ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«МЕНЕЖМЕНТ ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМИ» ФАКУЛЬТЕТИ

«САНОАТ МАРКЕТИНГИ» КАФЕДРАСИ

**Тасдиклайман**
Тош КТИ укув ишлари буйича
ректор муовини
доц. Исмаилова Л.А.
____________________
«____»___________2006

# «БИРЖА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ»

фани бўйича

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент – 2006 й

**Тузувчи:** кат.ўқ. Ядгарова М.Л.

**Тақризчи:**

# КИРИШ

Хозирги бозор иктисодиёти шароитида биржа, брокер сызлари бизнинг амалий хаётимизга кириб келди ва кириб келиши шароиатга айланди. Биржа бу бозор иктисодиётининг асосий узаги булиб хисобланади.

Биржа тугрисида гапирилган ва ёзилган булиб, у факат ишлатиш ёки фойдаланиш куроли тарзида, савдогарчилик маркази булиб хисобланган, унинг роли монополистик капитализм шароитида тушади ёки пасаяди.

Хозирги даврда биржа билан муваффакиятли хамкорлик килиш учун унинг ишлаш механизмини билиш, уни урганиш даркор, унда хар вакт содир буладиган мураккаб вазиятларда дархол уз йулини топиб олиш учу, бундай янги ва мураккаб ишда бу маъруза матнлари энг  якин ва кулай була олади.

Брокер биржада энг асосий ва марказий фигура булиб хисобланади. Биржадаги битимни ишлаб чикарувчилар ва истеъмолчилар ызаро эмас, биржа билан эмас, балки брокерлар уртасида уларнинг мижозлари топшириги билан тузадилар. Бу демак, биржа савдосини ривожланиши билан брокерлик касби кенг куламда ёйилиб, махсулот ишлаб чикарувчи ва истеъмолчилар брокер билан узвий богликликда ишлайди. Шундай килиб, брокерлик фаолиятини факат брокерларни узлари яхши билмай, уларни мижозлари хам яхши булишлари зарур.

Бу маърузаларда биржадаги буладиган мавжуд савдо жараёни, битим турлари, савдони ошиб бориш ва битимни хужжатлаштириш ва расмийлаштириш таркиби хам батафсил ёритилган.

Брокерлар билан мижозларнинг хатда амалдаги ишлари алощида бобда курсатилган. Бу ерда брокерлик хизмати учун тузиладиган шартномаларнинг барча турларига тафсилот, уларни тугри тузиш буйича тавсиялар берилган.

Брокерлар ва уларни мижозлари, бозор шароитида иш олиб бораётган тадбиркорлар учун ва «бозор муносабатлари асослари» биржа ва брокерлик фаолиятини урганаётган талабалар учун маърузалар мулжалланган.

Бу маъруза матнлари якиндагина амалий иш бошламокчи ва бошлаган брокерларга, иктисодиётнинг барча сохаларидаги тадбиркорларга, ишбилармон-брокерлар мижозларига, иктисодий бизнес ва иктисодий олий укув юрти укувчилари ва талабаларига, хамда брокерлик ва биржа фаолиятга масалалари буйича кизиктирган барча мутахассисларга мулжалланган.

## 1-мавзу. Биржаларнинг иқтисодий моҳияти.

1.Биржаларнинг вужудга келиш тарихи.
2. Жаҳон иқтисодиётида биржаларнинг ривожланиши.
3. Биржаларнинг вазифалари.

### 1.Биржаларнинг вужудга келиш тарихи.

Қадимдан «Биржа» сўзи қуйидаги уч хил воқеаликни ифодалаш учун қўлланилади: биринчидан, сотувчи ва сотиб олувчиларни бир жойда йиғилишини: иккинчидан бундай йиғилишларни ўтказиш жойини ва учинчидан шу вақтда амалга ошириладиган савдо-сотиқлар йиғиндисини. Бу фикрларнинг ҳаммаси жамланса. Маълум тарзда ташкил этилган бозор ёки биржа деган маъно чиқади. Биржанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳар доим улгуржи тарзда олиб борилади, савдо буюми бўлим эса маълум бўлган хусусиятлари, тавсилотлари аввалдан кўрсатилган, лекин сотиш жойида йўқ бўлган қимматбаҳо буюмлар, хом ашё ва маҳсулотлар, қимматбаҳо қоғозлар, хизмат ишлари, иш кучи ва бошқалар бўлиши мумкин. Биржа бозори учун хос бўлган нарсалардан яна бири шуки, бу ерда ишбилармонларнинг муомала ёки олди-берди операциялари хар доим кўпчилик олдида, аввалдан белгиланган вақтда ва белгиланган жойда олиб борилади. Бундан мақсад шука, хохлаганларнинг барчаси бундай савдода иштирок этиш имкониятига эга бўлсинлар. Умуман «Биржа» сўзи лотинча «BURSA» ва немисча «BORSE» сўзидан келиб чиққан «чўнтак», "хамён" маъносини билдиради. Биржа ХУ асрда Нидерландиянинг Брюгге шахрида савдогар Вандер Вурсе уйи ёнидаги майдонда савдо-сотик, ахборотларини йигиш максадида бутун дунё савдогарлари чет эл векселларини ва бошка товарлар операцияларини амалга ошириш буйича йигилишарди. Бундай| пайтларда операциялар конкрет товарсиз утар эди, товарларни аслини аниқ кўрсатмай туриб савдо тўғрисидаги маълумотлар билан фикр алмашиши ва чет эл векселларини сотиб олиш ва савдо операцияларини бажариш учун тўпланганлар.

Ван дер Бурснинг тамғасига туширилган яна шу чарм чўнтакнинг учта шакли унинг уйи дарвозасига жойлаштирилган эди, натижада «биржа» сўзи одатга кириб бутун Европа континенти бўйлаб Росссияда хам ёйилиб кетди.

Биржа энг қадимий савдо институти бўлиб, ҳозирги биржа ташкилотларини яратилиши, савдонинг ривожланиши, йирик савдо марказларининг таркиб топиши, савдогарлар гуруҳларини кўплаб юзага келиши билан боғлиқдир. Демак, ҳозирги биржаларнинг авлоди бўлиб, бозор ва ярмаркалар ҳисобланади. Бозорда савдо муттасил олиб борилар эди, аммо биржадан фарқ қилган ҳолда бозорда товарнинг асли сотилиб, одатда харид қилувчилар бўлиб товарни истеъмол қилувчилар ҳисобланар эди. Ярмаркаларда товарни ўзи бўлмай унинг намунаси, улгуржи партиялари бўйича савдо қилинар эди ва уни савдо воситачилари харид қилар эдилар. Ярмаркаларда энг камёб ва чаққон товар бўлиб пул ҳисобланар эди. Ярмаркалар бир йилда бир неча марта ўтказилар эди. Одатда. Ярмаркалар

ҳалқаро савдони ривожлантиришга хизмат қилар, бозор эса чекланган районларда савдо оборотини тахминлар эди.

Саноатнинг ривожлана бориши билан доимий улгуржи бозорга муҳтожлик, зарурият туғилади. Бундай бозор ривожланаётган хўжалик сохалари ўртасидаги алоқани боғлаш имконини берар эди. Бундай бозор биржа шаклида XVI асрда Испания билан Голландия ўртасидаги савдони ривожланиши билан таркиб топди. Демак, биржа қимматбаҳо қоғозлар фондига эга бўлган, стандарт талабларга жавоб берадиган товарлар ёки уларни намуналарни, талаб ва таклифларга биноан қонуний равишда нархи белгиланган валюталар асосида савдо амалга ошириладиган, ташкил этилган доимо амал қилиб турадиган бозордир.

Биржа операцияларини бажариш объекти бўйича қуйидаги биржалар тури ажратилади: товар биржалари шу жумладан компенсация қилувчи, яъни ўрнини тўлдирувчи ёки бартерли  фонд қўйилган ҳолда валюта биржалари, фракта биржалари ва шунга ўхшашлар бўлиб, унда савдо буюми бўлиб турли хил хизматлар, масалан «ғоя биржаси» деб аталувчи биржалар илмий-техник ишловчилар ва инженерлар хизматларини бажарадилар. Меҳнат биржаси ва бошқалар.

Биржалар аниқ таркиб топган ихтисослашувга эга бўлиши лозим. Масалан, автомобиллар, дон маҳсулотлари, металл, қимматбаҳо қоғозлар индекси билан савдо қилувчи биржалар.

Шуни айтиш керакки, биржа савдо қилишнинг дастлабки шакли уни товар шакли бўлмай, балки валюта-вексель биржаси шакли бўлган. Биржада қимматбаҳо буюмлар объекти бўлиб ҳисобланган, улар ва вексеплар айирбошлашнинг талабларига энг кўп даражада жавоб берган. Товарлар билан битим тузиш ўша даврларда фақат ярмаркаларда бўлар эди. Транспорт воситаларни ривожланиш билан бундай шаклда савдо қилиш сусайиб борди ва биржани ривожланишини кейинги босқичи ҳисобланган товар биржалари таркиб топди.

## 2. Жаҳон иқтисодиётида биржаларнинг ривожланиши.

Дастлабки биржалар XY-XYI асрларда Италияда, Венеция, Генуя, Флоренция, Голландия, Англия ва шунингдек бошқа мамлакатларнинг йирик савдо шаҳарларида пайдо бўлиб, бу ерларда мануфактуралар асосида ташқи савдо ривожланган.

Антерпендаги биржа дастлабки ҳалқаро биржа бўлиб, унга 1531 йили асос солинган. Унинг биносини кираверишига «Барча ҳалқлар ва тилдагиларнинг савдогар лдамлари учун» деган афсонавий ёзув битилган.

Антерпен биржасида икки турдаги товар, айниқса муҳим ўрин тутар эди: англия жуни ва хинд қалампири. Улар юқори даражадаги айирбошлаш қобилиятига эга бўлиб, ҳаттоки биржада бўлмаган товарлар билан ҳам битим тузиш имконини берар ва улар хозирги замон товар биржасини яратдилар. Янада тез суръатда валюта-вексель билан савдо қилувчи биржалар ривожлана бошлади. Улар аста-секинлик билан операцияларни бажариш объекти бўлиб аввалги вексель биржаларидагидек тўловлар эмас, балки

инвестиция қоғозлари - облигация ва акциялар бўлган фонд биржаларига яқинлашиб борадилар.

Бу қимматбахо қоғозлар Антерпен биржасида иш кўришнинг асоси бўлиб хизмат қилдилар. Ўша даврда облигациялар билан савдо қилишнинг йирик маркази бўлган ва 1549 йили юзага чиққан Лион биржасидир.

Ост-Индия кампанияси ва қимматбахо коғозлар акция бозорини шаклланиши. XVII аср бошида биржа фаолиятини кутилмаган даражада ривожланишига олиб келди. Унинг маркази 1608 йили юзага келган Европадаги энг йирик Амстердам биржаси «Нидерландия» бўлди.

Амстердам биржаси универсал биржа бўлган. Бунда нон, туз, балиқ, ширинликлар, ўрмон ёғочлари ва бошқа товарлар пул, облигация билан савдо бўлар эди.

Кўплаб иштирокчиларнинг тезда бойиб кетишга чанқоқ бўлганлиги шунга олиб келдики, Амстердамдаги биржа ташкилотлари XVII асрда тарихда биржа учун биринчи махсус бино қурдилар. Шундай килиб, биринчи бор ҳозирги замон биржасининг ажралмас қисми - биржа зали пайдо бўлди.

Нидерланд биржалари эстафетасини XVII асрнинг охири ва XVIII

асp бошида 1 570 йили юзага келган Лондон биржаси олди. Унинг гуллаб

яшнаб кетиши Жанубий денгиз савдо кампаниялари ташкил этилишига

боғлиқдир. Кейинчалик Лондон биржаси ёпиқ уюшмага «корхонага»

айланиб, унда фақат катта савдогар «коммерсант»ларнинг бир қисми учун эшик очиқ бўлган.

1742 йили Парижнинг вексель фонд биржаси таъсис этилади. Бундан кейинги энг кўзга кўринган фонд биржаларидан Франкфуртдаги биржа бўлган. Дастлабки вақтларда биржа ишларни олиб бориш объекти бўлиб, хар қандай қимматбаҳо қоғозлар, шу жумладан, векселлар,варрантлар, акциялар, облигациялар ҳисобланган. Кейинчалик бу хил операцияларни олиб бориш банклар ихтиёрига берилган. Натижада қисқа муддатли кредит бериш унча катта ахамиятга эга бўлмай қолади ва биржалар ломбардга ўхшаш операцияларни бажариш билан чекланиб қолган. XIX аср охиридан то хозиргача фонд биржаларида биржа битимларини амалга оширишнинг энг асосий объекти акция ва облигациялар-давлат макоми бошқарув ташкилотлари, йирик банклар ва коммерция ташкилотлари қарзлари, мажбуриятлари ҳисобланиб келинмоқда. XVI асрда юзага келган товар биржалари фонд биржалари каби унча катта роль ўйнамайди. Кейинчалик XIX асрнинг охирларида маълум хил товарлар бўйича ихтисослашган товар биржаларини гуллаб-яшнаши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожланиши билан узвий боғлиқ эди. Йирик товар биржалари дон, шакар, кофе ва бошқа товарлар билан савдо қилишга ихтисослашган эдилар. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар биржа савдоси учун кўпроқ яроқли бўлган. Бунга сабаб уларни қисқа вақтда етиштирилиши ва уларга бўлган доимий талабнинг мавжудлигидир. Шунинг учун бу маҳсулотларга баҳони барқарорлаштириб туриш қийин.

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари стандарт бўйича биржа савдо системасига яхши мослашади намунаси кўрсатилмайди, стандарт бўйича фақат номи берилади.Бу хил объектлар хозиргача товар биржаларида олди-сотди операциялари олиб боришнинг асосий буюми ҳисобланиб келмоқда.

Россияда биржаларнинг пайдо бўлиши Улуғ Петр номи билан боғлиқдир. 1721 йили Санк-Петербургда биринчи рус биржасини яратди. У кейинчалик Европада энг йирик биржалар қаторидан ўрин олган. Хукумат томонидан қурилган биржа биносини Александр1 Петербург зодагонларига топширди. XX аср бошларида Россияда 50 дан ортиқ товар биржалари, бир қанча умумевропа аҳамиятига эга бўлган фонд биржалири (жами 115) актив фаол кўрсатганлар. Биржа савдосининг кўлами бўйича Россия энг ривожланган Европа давлатларига тенг келган. XX аср бошларида Германияжда 20 та , Францияда тахминан 70 та биржа мавжуд эди.

Россияда биржа савдо институти тадбиркорларининг ўзлари яратган ижтимоий ташкилотлари доирасида ривожланган ўша даврда Россияда биржа фаолияти умумҳуқуқ доирасида бошқарилмаган. Бу даврда давлат коммерсантларни ўзларининг обрў ва касб усталигига таянган.

Биржалар иқтисодий муносабатларнинг ўз-ўзини ижтимоий бошқариш кўп тармоқли системада қўшилиб кетган эди. Бошқа ижтимоий савдо ташкилотлари ёки ярмаркалар, савдо ва савдо саноат палаталари, задогонлар йиғилишлари, саноатчилар бирлашмалари билан бир қаторда рус биржалари талаб ва таклифни бараварлаш, баҳони белгилаш, регионлар ва халқлар ўртасида мустаҳкам савдо алоқаларини ўрнатиш, эмиссия ва қимматли қоғозлар устидан назорат ўрнатиш соҳаларида зарур вазифаларни бажарганлар.

Биринчи жахон уруши бошланишида биржалар маъмурий тарзда тақиқланган эди. Янги иқтисодий сиёсат «ЯИС» даврига биржалар яна тикланди. Улар шунда юздан ортиқ эди. Шу даврда кўзга кўринганлари Москва марказий товар биржаси «29 декабрь 1921 йил очилган», Саратов, Пермь, Вятка, Нижгород, Ростов-Дон биржалари ва ҳоказолар.

Биржалар тўғрисида қабул қилинган биринчи энг машхур қонуний хужжат саноатида янги иқтисодий сиёсат масалалари бўйича фармон бўлди. «РСФСР 1921й. №4 43-модда».

Биржалар фаолияти бўйича 1921, 1922, 1925, 1928 йилларда қабул қилинган, тузатилиб, тўлдирилиб келинган ва янги иқтисодий сиёсатни дастлабки асосини ташкил этган хужжатлар 1930 йили бекор қилинди. Маъмурий буйруқбозлик ўсиши билан иқтисодиётни бошқариш системасини туғилган йили бўлди. Ҳозирги даврда 3О-чи йилларнинг бошларида бозор муносабатларига ўтиб, биржа савдосини йўлга қўйиб, яъни жумҳуриятда бозор инфраструктурасини яратиш долзарб масалага айланди.

Функционал ва тармоқлар бўйича давлат бошқарувининг янгиланган шакли билан бир қаторда иқтисодий муносабатларни ижтимоий бошқарувчи институтлар, яъни ярмаркалар, савдо палаталар, тадбиркорлар жамияти ва биржалар юзага келди.

## 3. Биржаларнинг вазифалари.

Биржа ва брокерлик идоралари, одатда кенг доирадаги фаолият турларини амалга оширади. Аввало улар савдо битимларини тузиш, улгуржи савдони ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича жуда кўп хилдаги воситачилик хизматларини бажарадилар. Одатда, улар катта хажмда нашриётчилик фаолиятини олиб борадилар. Биржа бюллетенлари, қўлланмалар, норматив хужжатлар ва бошқаларни чиқаради. Булардан ташқари, улар турли хил товарлар, баҳолар бозори товарларга бўладиган келаси даврда талаб ва таклифни ўзгариш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар. Биржалар кенг доирада консультация, маслахат бериш ва шу каби бошқа хизматларни бажарадилар. Улар билан яхши ва доимий муносабатларни сақлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда корхоналар биржалар билан маълум хил шартномалар тузишлари мумкин. Биржалар ва брокерлик идоралари фаолияти фақат шулар билан қопланиб қолмайди. Улар кўпгина маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматларни бажариш сохасида жуда кўп хилдаги фаолият турларини бажара оладилар, қўшимча корхоналар яратадилар, суғурта, молия-кредит ва коммерция операцияларини бажарадилар. Кўп ҳолларда биржа ва брокерлик идоралари кўп қиррали фаолияти амалга оширувчи ташкилотдир. Шунинг учун уларни яратишда ана шу кўп қиррали фаолиятни имкони бўйича Уставда акс эттириш зарур. Брокерлар ва биржа мижозлари шуни ёдда тутишлари зарурки, биржа анчагина катта хуқуқга эга. Биржалар уз Уставида хуқуқ доирасида фаолиятининг тартиб ва қоидаларини белгилашга хақдир. Уларга риоя қилмаслик ёмон салбий оқибатларга олиб келади. Биржалар, шунингдек ўзига сотиладиган товарлар рўйхатини аниқлаши, хусусий биржа стандартларини, ўхшаш биржа контрактларини ишлаб чиқиши, биржадаги талашув - тортишув бўйича қарорлар қабул қилиши, вақтинча савдони тўхтатиб қўйиш, ўз хизмати учун тўловлар белгилаш, Уставни ва савдо қоидасини, шунга ўхшашларини бузганлиги учун санкциялар юклаши мумкин. Аммо бир биржа шу ва бошқа масалаларни ўзича хал этиши мумкин. Демак, турли хил биржалардаги қоида ва талаблар бир хил эмас. Яна шуни айтиш керакки, биржа ва уларда амал қилаётган брокерлик идоралари мустаҳкам хуқуқий шахс ҳисобланадилар. Улар ўз фаолиятларида боғлиқдирлар, лекин бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича бермайдилар.

Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида кўрсатилишича биржа савдосини ташкил этиш ва уни тартибга солиб туришга доир фаолият билан шуғулланишга хақлидир.

Биржа олди-сотди, савдо-воситачилик фаолияти билан бевосита шуғулланиши мумкин эмас. Биржа фаолиятининг асосий қоидалари қуйидагилар:

-савдони ўтказиладиган жойи ва вақтини олдиндан тартибга солинган йўли биржа савдо-сотиғи самарадорлигини таъминлаш;

-биржа товарлари бозорини шакллантириш;

-эркин равишда юзага келадиган бозор нархларини қўллаш;

-савдо-сотиқни ошкора ва омма олдида ўтказиш;

-биржа битимларини тасдиқлаган қоидаларга асосан эркин равишда тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш;

-товарлар нархини белгилаш ва уларга доир маълумотларни эътироф қилиш;

-монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларга риоя этиш қоидалари асосида амалга оширилади.

Мулкчиликнинг барча шаклдаги корхоналар, ташкилотлар, хўжалик уюшмалари, брокерлик ва фирмалари, брокерлар, диллерлик бошқа юридик ва жисмоний шахслар шу жумладан чет эл юридик жисмоний шахслари биржа фаолиятининг иштирокчилари ҳисобланади.

## Хулоса

Биржа бу асосан уч хил воситачиликни ифодаловчи сўз бўлиб: биринчи хил воситачилик сотувчи ва сотиб олувчиларнинг бир жойга йиғилганлигини; иккинчиси эса бундай йиғилишларни ўтказиш ва учинчиси шу вақтда амалга ошириладиган савдо-сотиқдар йиғиндисини ифодалайди ва биржа тарихини ўз ичига қамраб олади. Бунда шуни айтиш керакки, савдо қилишнинг дастлабки шакли бўлиб уни товар шакли бўлмай, балки валюта-вексель биржаси шакли тариқасида юзага келган. Товарлар билан битим тузиш ўша даврларда фақат ярмаркаларда бўганлиги ва шу йўллар билан товар биржаларини ташкил топганлиги баён қилинган. Ташқи иқтисодиётида биржаларнинг ривожланиши борасида, дастлабки биржа қачон ва қаерда ташкил топганлиги уни иқтисодиётда тутган ўрни, кейинчалик у қандай ривожланганлиги ва ҳозирга келиб қандай ҳолатда, ундан ташқари қандай биржалар амал қилаётганлиги тўғрисида ва бу амалдаги биржалар нима билан шуғулланганлиги ва уларнинг асосий вазифаларини кўрсатиб беришга харакат қилинган.

## Таянч иборалари:

Биржа. Товар. Хом ашё. Бозор. Ярмарка. Фоиз. Вексель. Акция. Брокер. Талаб. Таклиф. Устав. қонун. Диллер.

## Назорат ва мухокама саволлари:

1. Энг йирик биржалар турларини айтиб беринг?
2. Ўзбекистон Республикасида 1993 йили қандай товар хом ашё биржалари рўйхатдан ўтган?
3. Ихтисослашган биржаларда қандай товарлар сотилади?
4. Биржа ва брокерлик идораларида қандай фаолият турлари амалга оширилади?
5. Биржа фаолиятининг иштирокчилари бўлиб кимлар ҳисобланади?

## 2-мавзу. Ўзбекистон Республикасида биржалар фаолияти.

### Режа:

2.1.Биржаларнинг Ўзбекистонда ривожланиши.
2.2. Ўзбекистонда биржаларнинг жойлашган худудлари.
2.3. Ўзбекистондаги биржаларнинг турлари ва уларнинг тавсифи.
2.4.Биржаларнинг Ўзбекистонда ривожланиши.

Ҳозирги даврга келиб биржаларни ташкил этиш ишлари ниҳоятда авж олиб кетди. Бутун мустақил давлатлар бўйича тўрт юздан ортиқ ташкилотлар ўзларини биржа деб ҳисоблайдилар. Россиядан икки юздан ортиқ биржалар бугунги кунда рўйхатдан ўтказилган.

Энг йирик биржалар қаторида «Россия товар - хом ашё биржаси» деб аталувчи акционерлик жамиятини кўрсатиш мумкин. Бу биржа 1990 йилнинг октябрь ойида юзага келди. Бажарадиган ишларнинг ҳажми бўйича «Россия товар - хом ашё биржаси» мустақил давлатлар кенгашидаги энг йирик биржадир. Бунда операциялар кенг турдаги маҳсулотлар, хом-ашёлар, қимматбахо қоғозлар билан иш олиб борилади. Россия товар-хом ашё биржаси мамлакатдаги жуда кўп биржалар билан алоқа қилади.

1990 йилнинг май ойида яна бир катта «Москва товар биржаси» номли акционерлик жамияти ташкил этилган. Бу жамиятдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва металл буюмлари, нефть ва нефть маҳсулотлари, ҳисоблаш техникаси, уй-рузгор, электроника буюмлари, машинасозлик дастгохлари, кенг халқ истеъмол товарлари ўтади. Волга бўйидаги ташкил этилган энг йирик биржалардан «Самара биржаси»дир. Бунда турли хилдаги барча операциялар кенг халқ истеъмол товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари; ишлаб чиқариш техника мақсадларидаги буюмлар, жумладан қурилиш материаллари, дастгохлар, автомобиллар ва бошқалар; хом ашё, кимирламайдиган бинолар, иншоатлар сотилади.

1991 йили «Тюмень товар фонд биржаси» ташкил этилди. Уни ташкил этувчилар магистраль нефть қувурлари бошқармаси. «Тюмень ўрмон саноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Нижневатовск нефть-газ», «Тюмень саноат» ассоциацияси, «Серп ва молот» «Харьков» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Туристинвест» акционерлик жамиятлари бўлдилар.

1992 йилнинг март «апрель» ойининг 12 кунида республикамизда 30 та биржа рўйхатдан ўтказилган бўлса, кейинчалик уларнинг сони камайиб, кўплари тугатилиб, айримлари савдо уйлари ёки бошқа ташкилотларга айлантирилди. Бунга сабаб шуки, улар қонунга кўра 50 млн сўмлик Устав фондига эга бўла олмаган. Уларнинг кўплари давлат моддий техника таъминоти системасида воситачи бўлиб хизмат қилган, айримлари янгича ном билан бозорда ўз мавқеларини сақлаб қолишга интилувчи коммерция типидаги ўртада турган ташкилотлар бўлган.

## 2.2. Ўзбекистонда биржаларнинг жойлашган худудлари.

1993 йилнинг бошларига келиб Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги» қонунига мувофиқ агросаноат акционерлик жамиятининг «Ўзбекистон» биржаси. ««Андижон» товар хом-ашё биржаси, «Наманган» акционерлик жамияти, универсал товар биржаси, Қашқадарё «Насаф» товар хом-ашё биржаси, Ургенчда регионалллараро «Хоразм» товар хом-ашё биржаси рўйхатдан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти» тўғрисидаги қонунга асосан республика молия инвестиция холдинг уюшмаси акционерлик жамияти таркибига киритилган, чекланган хуқуқга эга бўлган жамият ҳисобланган, «Тошкент» универсал товар фонд биржаси товарлар ва қимматбахо қоғозлар билан иш кўради.

«Тошкент» биржасини Холдинг уюшмаси таркибига киришнинг афзаллиги шундаки, биржа тижорат фаолияти хуқуқига эга бўлади. Холдинг компанияси бир қанча турдаги биржалардан иборат бўлади: *уч*

- товар биржаси;
- фьючерс биржаси;
- фондига эга бўлган биржа;
- суғурта компанияси ;
- банк;

"Карвон" номли савдо уйи.

Ўзбекистон Республикаси хукуматининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги кўрсатмасига асосан халқаро пахта биржасини ташкил этиш мўлжалланган. Бугунги кунда биржа савдосининг кенг хуқуқий асосларини шакллантириш республика ташкилотларининг энг долзарб хуқуқшунослик фаолияти масалаларидандир. Лекин шу вақтгача фаолият кўрсатиб келаётган биржалар тўғрисидаги қонуний хужжатлар тўлиқ ва биржа амалиётига кўпгина муҳим масалаларга тегишли бўлмаган. Шуларни ҳисобга олиб, 1992 йилнинг 2 июлида Ўзбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Биржани ташкил этиш ва биржа фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу қонун, акционерлик жамиятлари, Ўзбекистонда товар биржалар фаолиятини лизенция қилиш тартиби тўғрисида қўлланма, корхоналар ва тадбиркорлик тўғрисида, кооперациялар, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун, биржа Устави каби хужжатлар билан тартибга солиб турилади.

## 2.3. Ўзбекистондаги биржаларнинг турлари ва уларнинг тавсифи.

Иқтисодий нуқтаи назардан биржа бу махсус тарзда ташкил этилтан улгуржи бозор, хуқуқий нуқтаи назардан эса бу ўзига хос ташкилот бўлиб, тадбиркорликни шу бозорга чиқиш имкониятини беради. Бундай ташкилот унинг доирасида ишловчи ходимлар орқали воситачиларни - биржа маклерларини, сотувчиларни ва харидорларни ёки уларнинг ёрдамчиларини доимо учраштириб туради. Бунинг учун биржа бошқа субъектлар жисмоний

ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи-биржа аъзоларига маълум шартлар асосида унга келувчиларга - тез ва фойдали равишда битимларни амалга ошириш учун махсус инфраструктура яратди.

Биржа юридик шахс сифатида ташкил этилади, яъни ўз мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва хусусий номулкий хуқуқ ва мажбуриятлар олиши, шартномалар ва бошқа битимлар тузиш, давлат арбитражида, арбитраж судида даъвогар жавобгар бўлиб чиқиши мумкин. Биржани ташкил этишнинг типик шакли- бу юридик шахсдир. Ривожланган хуқуқий давлатларда, одатда, хусусий-хуқуқий, яъни давлат ихтиёри билан эмас, алоҳида фуқаролар ва уларни бирлашмалари ихтиёри юзага келадиган икки типи маълумдир.

Биринчидан, қуйилган мақсадга эришиш учун маълум миқдордаги мулкга эгалик қилиш хуқуқини ажратиб олиш асосида яратиладиган ташкилот, яъни юридик шахс.

Ташкилот - турли хил шахслар ажратиб берадиган мулкдан, одатда жамият манфаатида фойдаланиш учун алохида субъект сифатида пайдо бўлади.

Иккинчидан, маълум мақсадга эришиш учун бирлашадиган ва уларнинг умумий ишларини мустақил равишда бошқарадиган жисмоний, кўпинча хуқуқий шахслар тўпламидан ташкил бўладиган хуқуқий шахс. Хуқуқшунослик тўғрисидаги хужжатларда охирги йилларгача юридик шахсларни бундай тартибда ажратилмаган. Бунга сабаб, давлат корхоналари ва бошқа давлат ташкилотларини хўжалик ҳисобида бўлиш, давлат ташкилотларини мустақил слитага эга «ва бошка» давлат бюджетида туриш; колхоз ва бошқа кооператив ташкилотларини мавжудлиги; давлат-колхоз ва давлат кооператив ташкилотларини мавжудлигидир. Шундай қилиб, колхоз ва кооператив ташкилотлардан ташқари барча юридик шахслар бундай ташкилотлар типига киритилади. Яқиндагина аҳвол ўзгариб, мамлакатдаги қонунчилик умум дунё қонун стандартларига яқинлашадилар, лекин хали бу етарли даражада ривожланмаган. Эпидемикда бизнинг қонунчилигимизга асосан шахсларнинг турли хилдаги хўжалик тирикчилик асосида бирлашишлари маълум.

Улар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг корхоналар ҳамда тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларга мувофиқ тўлиқ равишдаги тирикчилик деб аталувчи фаолият соҳаси, хақиқатда оддий шерикчилик уюшмаси деб аталади;

- аралаш тарздаги ҳамкорлик. Бунда уюшманинг хақиқий аъзолари ўз мажбуриятлари бўйича ўзларини қўшган улушлари миқёсида жавоб берадилар;

- чекланган тарзда жавобгарликка эга бўлган шерикчилик жамияти.

Бу жамиятнинг устав фондлари уни таъсис этувчиларнинг улушлари ҳисобига яратилади;

- ёпиқ типдаги акционерлик жамият. Бунда акциялар фақат уни таъсис этувчилар ўртасида эмас, балки очиқ равишда ёзилган маълум доирадаги шаҳслар ўртасида хам тақсимланади.

- очиқ типдаги акционерлик жамияти. Бунда акциялар фақат уни таъсис этувчилар ўртасида эмас, балки очиқ равишда ёзилган маълум доирадаги шаҳслар ўртасида хам тақсимланади.

Бу хилдаги шерикчилик жамиятларидан ташқари қонунда айтилмаган артеллар хам бор. Буларга ижарага берилган ва жамоа корхоналари киритилади. Чекланган жавобгарликка эга бўлган жамиятларга эса ишлаб чиқариш кооперативлари деб аталувчи шаҳсларнинг уюшмаси киради.

Биржа савдосини таъминловчи ташкилот сифатида биржа мулки эгаларининг давлат, якка тартибдаги тадбиркор, биржа ассоциацияси ва шунингдек ўз фаолиятидан келиб тушадиган:

- биржа аъзоларини взнослари; биржа мажлисига келган иштирокчиларнинг тўловлари; арбитраж комиссияларидан йиғилган пуллар; биржа воситачиларини даромадларидан қилинган ажратмалар ва шунга ўхшаш пул маблағлари ҳисобида молиялаштириб турувчи ташкилотлар шаклида яратилади.

Биржа ташкилотининг бошқа шакли бу - хўжалик ҳисобланмаган корпорация, пайчилар ёки акционерлик жамиятларидир.

Биржа - савдо фирмаси эмаски, сотиш учун сотиб олмайди, яъни коммерция фаолияти билан шуғулланмайди. Даромад олиш мақсадида биржанинг ўзи хеч нарса сотиб олмайди ва сотмайди хам. Биржанинг асосий вазифаси биржа битимлари ва  шу билан боғлиқ хизмат ишларини бажаришдир.

Биржа – бошқаларга коммерция билан шуғулланишга ёрдам берадиган ташкилот эмас. Ташкилотларга келсак, уларни мулк эгаси ёхуд кимга шундай хуқуқ берилган бўлса ўша ташкил этади.

Шаҳсларни бирлашиши пайчилар ёки акционер жамиятлари сифатидаги биржаларни амал қилиб турган қонунчиликка асосан бундай жамиятларни ёки уларни иштирокчиларини таъсис этувчилар сифатидаги субъектларгина ташкил этишга хақлидир.

Республикадаги биржалар ихтисосланишига қараб, қуйидаги турларга бўлиниши мумкин;

-товар биржалари, шу жумладан универсал ва ихтисослаштирилган биржалар;

-фонд биржалари;

-валюта;

-интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотик килувчи биржалар;

-аралаш биржалар; фонд ва валюта биржалари товар-фонд биржаларининг фонд булимлари фаолиятининг узига хос имкониятлари махсус конунлар билан тартибга солиб турилади.

## **Хулосалар**.

Ҳозирги даврда биржаларни ташкил этиш авж олиб кетди. Энг йирик биржалар қаторида «Россия товар-хомашё биржаси», «Москва товар биржаси», « Тюмень товар фонд биржаси»,

Ўзбекистонда 1992 йилда 30 та биржа рўйхатдан ўтди.

1993 йилда «Ўзбекистон» биржаси, «Андижон» товар хомашё биржаси ва яна бир қатор биржалар ишга тушди.

«Тошкент» универсал товар - фонд биржаси Холдинг уюшмаси таркибига кирди. 1992 йилнинг 2 июлида Узбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва уни асосида биржаларни турлари ва вазифалари белгиланади.

қонунлар яна шаҳсларнинг турли хўжалик уюшмаларини пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари хўжалик ҳисобланмаган корпорация, пайчилар жамиятлари мавжуд.

Биржа турларида асосий ўринни эгаллайдиган товар хомашё фонд биржалари ва интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотиқ, қилувчи биржалар ҳисобланади.

Бу биржаларни барчаси давлат қонунларига амал қилган ҳолда фаолиятини амалга оширади.

**Таянч иборалари**

Халқ истеъмол товарлари. Рўйхат. «Тошкент» биржаси. Фьючерс биржаси. «Карвон» савдо уйи. Пахта биржаси. Инвестиция. Холдинг уюшмаси. Лицензия. Маклер. Юридик шахс, Хуқуқий шахс, Шерикчилик уюшмаси. Акционер жамияти. Биржа мулки. Уюшган бозор.

***Назорат ва муҳокама саволлари***

1. Россияда дастлаб қандай биржалар рўйхатдан ўтган?
2. Холдинг компанияси қандай турдаги биржалардан иборат?
3. Биржани фаолиятини ташкил этишда қандай қонунлардан фойдаланилади ?
4. Биржа юридик шахс сифатида қандай хуқуқларга эга?
5. қандай турдаги шерикчилик жамиятлари мавжуд?
6. Республикамизда биржалар ихтисослашига қараб қандай турларга бўлинади?

## 3-мавзу. Товар биржаларининг иқтисодий моҳияти.

**Режа:**

3.1.Жахон иқтисодиётида биржа савдосининг моҳияти.
3.2.Ўзбекистонда товар биржаларининг пайдо бўлиши, ривожла-ниши ва ўрни.
3.3.Товар биржаларининг иқтисодий функциялари.

Биржа стандартлар ва намуналар асосида сотиладиган товарларнинг, кимматбахо когозлар ва чет эл валютасининг доимий равишда фаолият курсатадиган улгуржи бозорининг энг такомиллашган шакли хисобланади.

Дастлабки биржалар Италияда, Голландия ва Англияда XV-XVI асрларда пайдо булган. Аввало биржа реал товарлар савдоси сифатида пайдо булди, яъни манфуктурагача а мануфактра ишлаб чикариши талабларига жавоб берадиган улгуржи савдо сифатида юзага келди. Унинг бошка савдо шаклларидан фарки шунда эдики (бу фарклар хозирги биржаларда хам мавжуд), савдолар мунтазам равишда ташкил этиларди, савдо утказиш жойи ва унинг тартиб коидалари аввалдан аникланган булар эди.

Биржа операциялари характерли томонларидан бири уша даврда улар накд товарлар билан савдо килар эди. Биржа савдоси ривожланишининг бу боскичида экспортер ва импортер уртасида, савдогар ва ишлаб чикарувчи.ки истеъмолчи уртасида алока урнатар эди. Биржаларни таъсис этиш жуда секин борар эди ва улар асосан халкаро савдо билан шугулланадиган портларда ташкил этилар эди.

Биржалар 19-асрнинг иккинчи ярмидан сунг тезлик билан ривожлана бошлади. СССРда биржалар 1921 йилдан 1930 йилгача мавжуд булган. Россияда биринчи биржалар 19 асрда пайдо булган. 1880 йилдан 1917 йилгача Санкт-Петербургда «Биржа хабарлари» деб номланган кунлик газета-журнал нашр этилган эди.

Саноат революцияси хом ашё ва материалларга булган талабниошириб юборди, савдо хажми ва номенклатурасининг усишига олиб келди, товар сифат курсаткичларининг бир хил булиши ва уларни етказиб бериш бир маромда ва доимий булишини такозо кила бошлади. Машиналашган ишлаб чикариш томонидан куйилган талабларни кондириш учун биржалар хам тубдан узгара бошлади. Жумладан биржа савдоси аник бир жойда ва маълум вактда ташкил этилишидан ташкари, уларда товар стандартлари жорий этила бошланди, намунавий контрактлар ишлаб чикилди, бахолар тартибга солина бошланди, биржалар кошида арбитраж ташкил этилди ва биржалар узларининг ахборот етказиб берувчилик функциясини кучайтирдилар. Биржалар аста-секин халкаро савдонинг маркасига айланиб бора бошладилар.

### 3.2.Ўзбекистонда товар биржаларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўрни.

Узбекистонда биржа фаолиятининг бошланиши 1991 йил март ойида ОТХЖ шаклидаги «Тошкент» товар хом-ашё универсал биржасининг ташкил этилиши билан богликдир.

Худди шу даврларда куплаб вазирликлар ва идоралар кошида барча вилоятларда 36 та ТХБлари ташкил этилди. Бирок хукукий ва меъёрий базанинг мавжуд эмаслиги, биржа фаолияти буйича тажрибаниниг йуклиги, биржаларнинг ташки иктисодий фаолият ташкилотлари, божхона хизмати, молия ва солик ташкилотлари билан узаро муносабатлари механизимининг шаклланмаганлиги биржа фаолиятининг, у билан боглик булган «биржа», «брокер» тушунчаларининг обрусизланишига, бузилишига олиб келади.

1992 йил июль ойида Узбекистон Республикаси Олий кенгаши Узбекистон Республикасининг, Биржалар ва биржа фаолияти тугрисидаги конунни кабул килди.

Бу конунда биржалар тугрисидаги биржатоварлари ва биржа фаолияти тугрисида, асосий конун-коидалар акс эттирилган эди. Бу конуннинг амалга киритилиши купгина биржаларнинг хуккуий томондан ноконунийлигини келтириб чикарди ва улар кайта руйхатдан ута олмади ва тугатилди.

Узбекистонда биржа фаолиятининг пайдо булиши ва унинг фаолияти ривожланишининг биринчи боскичи амалиётини, тажрибасини умумлаштирибкуйидаги хулосаларни чикариш мумкин:

1. Собик Иттифокнинг парчаланиши шароитида Узбекистон мустакилликни эълон килиб, боскичма-боскич бозор иктисодиётига ута бошлади.
2. Универсал товар-фонд биржасининг яратилиши давлат режаси асосида ва давлат таъминоти асосида ишлаган алокаларнинг барбод булиши окибатида вакуум юзага келишига сабаб булган вазиятда корхоналарни керакли хом ашё ва материаллар билан таъминлашда анча кумак берди.
3. «Тошкент» биржасининг МДХ худудидаги бошка биржалар билан фаол хамкорлиги, унинг МДХ давлатлари биржалар аро иттифокига аъзо булиши кабилар узок йиллар давомида яратилган уша ягона иктисодий маконни кай даражададир саклаб ва куллаб-кувватлаб туришига олиб келди.
4. Амалий фаолиятда биржалар биржа савдоларининг техника, технология ва коидаларни узлаштириб бордилар, чет эл биржаларининг тажрибалариниургандилар ва узларида жорий эта бошладилар, брокерлик ва бошка мутахассисликлар буйича ходимлар тайёрладилар.
5. Биржалар бахолар динамикаси хакида, иктисодий жараённинг ривожланишихакида асосий ахборот манбаси булиб колдилар. Биржа савдолари натижалари асосида олиб кирилаётган ва экспорт килинаётган товарларнинг бахоси аниклаштириладиган булди.
6. Шулар билан бир каторда биржаларнинг стихияли пайдо булиши, керакли хукукий, меъёрий хужжатларнинг йуклиги, лицензия беришнинг тартибгасолинмаганлиги, божхона тизимининг номукаммаллиги купгина нохуш холатларни юзага келтирди.
7. 1992 йил май ойида Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан кабул килинган, Биржалар ва биржа фаолияти тугрисидаги конун

купгина нокобил биржаларнинг тугашига олиб келди ва амалда Узбекистонда биржалар фаолияти ривожланишининг биринчи боскичини якунлади.

Республикада биржа фаолиятининг ривожланишига янги туртки берган нарса бу 1994 йил 21 январда Узбекистон Республикаси президенти имзолаган «Иктисодий ислохотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк химоясини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги фармони булди.

Ушбу фармоннинг 11-бандига кура ТХБ иштирокида улгуржи ярмаркаларни ташкил этиш ва утказиш корхоналар уз махсулотларини экспортга чикарсалар, улар божхона туловлари тулашдан озод этилишлари курсатиб утилган эди.

Биржаларнинг хукукий меъёрий базасини яратилиши билан бирга уларнинг маълум тармок, сохалар буйича ихтисослашуви хам аникланиб борди, бу эса биржалар ривожланишида ва уларнинг даражасига чикишида узига хос боскич булди.

Хозирги вактда Республика худудида ТХБ, фонд биржаси, Агросаноат биржаси, кучмас мулк биржаси, мехнат биржаси фаолият курсатмокда.

1994 йил 8 апрельда Узбекистон Республика ТХБ ОТХЖ шаклида Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан руйхатдан утди. Унинг асосий максади Узбекистон Республикасида, шунингдек четда ишлаб чикарилган биржа товарларининг эркин улгуржи савдосига шарт-шароит яратиб беришидир.

ТХБ фаолиятининг пердмети куйидагилардир:

1. Биржа савдолари, аукционларни утказиш.

2. Биржа товарларини сотиш, харид килиш, алмаштириш буйича профессионал воситачилик хизматлари курсатиш учун савдо катнашчиларига керакли шарт-шароитларини яратиш.

3. Биржа товарлари бахосини котировка килиш.

4. Биржа савдолари технологияларини ва усулларини такомиллаштириш.

5. Шахар, вилоят, республика ва халкаро микёсдаги кургазма, ярмарка ва тендерларни ташкил этиш.

6. Консалтинг хизматларини курсатиш.

7. Биржа фаолияти билан боглик булган нашриётчилик, реклама-ахборот ишларини амалга ошириш.

8. Биржа операциялари инфратузилмасини ривожлантириш.

9. Ташки иктисодий фаолият.

Узбекистон Республикаси президентининг бажаришга кабул килинган товарларни лецензиялаш ва бож туловлари тулаш буйича берилган имтиёзлар шунингдек контрактларни биржа ва божхоналарда киска муддатда расмийлаштирилиши куплаб тадбиркорларни биржа оркали савдо килишга ундади ва биржа савдосининг хажми ошишига хамда тузиладиган контрактлар сонини купайишига сабаб булди.

Биржа оркали сотилган махсулотлар ичида энг катта умумга эга булган махсулотлар бу пахта (тола, линт) минерал угитлар ва рангли металлардир,

улар хакикий биржа товарлари хосбланиб, Узбекистондан ташкарида хам уларга доимий эхтиёж мавжуддир. Экспортнинг умумий улушида бу товарларнинг улуши 75,5% ни ташкил этади.

РТХБ биржаси фаолиятининг дастлабки боскичига битимлар факат мавжуд товарларга ва етказиб бериш муддатлари аник белгиланган холда олиб бориларди (фарвард битимлар). Аммо вакт утиши билан фючерс битимлар тузишга хам эхтиёж тугила бошлади.

Фьючерс битимлар келажакда ишлаб чикариладиган товарлар юзасидан тузилади, бу битимнинг маълум бир кисми ёки тула кисми аввалдан туланади. Бу ишлаб чикарувчини молиявий ресурс билан таъминлашда, тайёр махсулот утказувининг кафолатланишида, ишлаб чикарувчида бир маромлилик ва ишонч пайдо булишида катта ахамиятга эгадир. Бундай битимлар 1995 йил бошидан бошлаб амалга ошрила бошланди.Уларнинг жорий этилиши бозор конъюктурасини хисобга олиб боришди, у ёки бу махсулотга талабни аниклашда бахонинг стабил булишида ахамиятга эгадир.

### 3.3.Товар биржаларининг иқтисодий функциялари.

Биржа фаолиятининг асоси - бу биржа савдоларидир. Биржа савдосининг юзага келишига ишлаб чикариш ва савдони ривожланиб бориши билан пайдо буладиган янги эхтиёжлар асосий сабаб булди. Бунда савдони ишлаб чикариш ва ташки мухит билан боглайдиган восита сифатида караш лозим.

Ишлаб чикаришни баркарор, фаолият курсата оладиган килиб ташкил этиш учун барча ресурслар: иш кучи, мехнат воситалари ва предметлари билан тула ва уз вактида таъминлашни таказо этади. Шу билан бирга ишлаб чикариш факат узи учун, ишлаб чикариш жараёнини ташкил этиш учунгина ташкил этилмайди, балки у жамияти эхтиёжларини кондириш учун ташкил этилади, демак махсулотларни якуний истеъмолчигача етказиш зарурати тугилади. Ишлаб чикаришнинг савдо билан алокаси куйидагича схемададир:




Айтиш мумкинки, савдо ишлаб чикаришни бошлаб беради ва якунига етказади. Ишлаб чикариш учун маълум бир товарлар келишилган хажмда, ассортиментда ва сифатда белгиланган муддатда етказилиб келиниши ёки реализация килиниши зарур. Уз навбатида савдо кандай махсулотни, качон ва кандай хажмда, ассортиментда ва сифатда ишлаб чикарилиши лозимлигини ишлаб чикариш учун аниклаб беради.

Биржа бозор иктисодиётининг товарларнинг улгуржи бозорини шакллантирадиган классик институти сифатида ташкилий, иктисодий ва хукукий асосларга эга. У бозордаги яхши жихозланган жойидир. У уз номидан битимлар тузиши, судда жавобгар ва давогар сифатида чикиши мумкин.

Биржа куйидаги функцияларни бажаради:

1. Очик биржа савдоларини утказиш учун биржа йигилишларини ташкил этиш, яъни:

■ биржа савдоларини ташкил этиш;

■ биржа савдосининг тартиб-коидаларини ишлаб чикиш;

■ савдоларни моддий-техник таъминлаш;

■ биржанинг малакали аппарати.

2. Биржа контрактларини ишлаб чикиш, яъни;

■ биржа товарларининг сифат тавсифларига куйиладиган талабларни стандартлаш;

■ товар партиялари хажмини стандартлаш;

■ биржа битимлари буйича туловларга бир хил талаблар ишлаб чикиш.

3. Биржа битимлари буйича юзага келган келишмовчиликларни хал этиш.

4. Биржа бахоларини аниклаш ва тартибга солиш.

5. Биржа савдоси иштирокчиларини бахо узгаришларидан сугурта килиш.

6. Биржанинг клиринг ва хисоб-китоб тизимлари асосида битимнинг кафолатли бажарилишини таъминлаш.

7. Биржанинг ахборот фаолияти.

Биржа савдоларининг утказилиш мохияти сотувчилар ва харидорлар уртасида битим тузилишидир. Битим тузилиши нафакат савдо иштирокчиларининг, балки уларнинг оркаларида турганларнинг манфаатларини ифодалайди, шунинг учун хар бир битим батафсил тахлил килинади.

Биржа битими - биржа товарлари билан боглик булган хукук ва мажбуриятларни бир шахсдан бошкасига утишидир. Биржа битимлари хукукий, иктисодий, ташкилий ва этик тавсифларга эгадир.

Битим биржада руйхатдан утказилгандан сунг тузилган хисобланади. Битимни тузиш вактида томонлар узаро унинг мазмунини келишиб оладилар.

Битим амалга оширилаётган вактда унда учта аспект: товар номи, унинг хажми ва бахоси албатта курсатилиши шарт.

Битим тузилишининг асосий ахамиятли шарти - бу товарнинг бахосидир.

Битим куйидагилар асосида тузилиши мумкин:

1. Биржа иш кунидаги жорий бахо асосида (битим тузилаётган вактдаги бахо, аукционда эълон этилган ёки урнатилган бахо).

2. Тавсия килинган бахо асосида.

3. Лимит бахо асосида.

4. Маълум давр учун урнатилган бахо асосида.

5. Биржа очилиши ва ёпилиши вактида белгиланган ахборот бахоси асосида.

Хозирги биржаларда битим асосан реал товар буйича тузилиб, уларнинг бир неча хили фаркланилади:




Томонлар уртасидаги хисоб-китоблар туловнинг банк ва кредит воситаларининг турли туманлигига караб турли шаклда амалга оширилиши мумкин, у битимда албатта курсатилиб утилади. Томонлар уртасида хисоб-китоблар асосан куйидагилар билан олиб борилади:

- тулов талабномалари топшириклари асосида;
- аккредитивлар билан;
- чеклар билан;
- векселлар билан.

Тулов талабномалари - топшириклари билан хисоб-китоб килинганда етказиб берувчи харидорга хисоб-китоб ва ортиш жунатиш хужжатларини юборади.




Узок муддатли хужалик алокалари шароитида тулов талабномалари асосида хисоб-китоб килиш энг кулайдир.




Хисоб китобнинг аккредетив усули куйидагича:




Тулов топширикномаси - корхонанинг уз банкига маълум бир суммани уз хисоб-китоб счетидан бошка корхона счетига утказиш буйича берган топширигидир.




Шундай килиб, биржа фаолияти мустакил тижорт фаолияти булиб, у хам фойда олиш максадида фаолият юритади.

Хулосалар.

Жаҳон иқтисодиётида биржа савдосининг ривожланиши, бу биржа стандартлари ва намуналар асосида сотиладиган товарларнинг қимматбаҳо қоғозлар ва чет эл валютасининг доимий равишда фаолият кўрсатадиган улгуржи бозорнинг энг такомиллашган шакли бўлиб ҳисобланади.

Аввало биржалар реал товарлар савдоси сифатида пайдо бўлган. Биржа операцияларининг характерли томонларидан бири ўша даврда улар накд товарлар билан савдо қилар эди.

Биржа фаолиятининг асоси бу - биржа савдоларидир. Биржа савдосини юзага келишига ишлаб чиқариш савдони ривожланиб бориши билан пайдо бўладиган янги эҳтиёжлар асосий сабаб бўлди. Бунда савдони ишлаб чиқариш ва ташқи муҳит билан боғлайдиган восита сифатида қараш мумкин. Айтиш мумкинки, савдо ишлаб чиқаришни бошлаб беради ва якунига етказади. Биржа савдоларининг ўтказилиши, моҳияти сотувчилар ва ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар ўртасида битим тузилишидир.

**Таянч иборалари.**

Биржа стандартлари.Дастлабки биржаларнинг пайдо бўлиши. Биржа операциялари. Саноат революцияси. Очиқ турдаги хиссадорлик жамияти шаклидаги «Тошкент» товар хом-ашё универсал биржаси.Товар хом-ашё биржа фаолиятининг предмети. Биржа орқали сотиладиган маҳсулотлар. Битим тузилишининг асоси.

***Назорат ва муҳокама саволлари***

1. Биржа стандартлари нима?
2. Дастлабки биржалар қачон ва қайси асрда юзага келган?
3. Биржа операциялари нима?
4. Саноат революцияси нима ва у қачондан бошланган?
5. Саноат революциясининг биржаларга таъсири?
6. Ўзбекистонда биржа фаолияти қачондан бошланган?
7. Ўзбекистонда «Биржа ва биржа тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган ва уни биржаларга таъсири?

## ***4-Мавзу.*** **Товар биржаларининг хукукий асослари ва бошкариш ташкилотлари.**

***Режа.***

1.Товар биржалари ва уларни булинмалари вазифаси ва функциялари.
2.Бошкарув ташкилотлари.
3.Товар биржаларининг ташкилий булинмалари.

Товар биржалариинг ташкилотчилик хусусияти хар кандай давлат бозор бозор иктисоиёти ривожланишига ижобий таъсир курсатади.

Айни вактда биржалар функционал - ахборот нуктаи назардан мукаммал организм сифатида кабул килиниб бозорни хар тарафлама ташкил этиша хизмат килади.

Товар биржаси дегада узи урнатга коидаларга асосан аввалдан аникланан жойда ва аввлан аникланган вактда ошкора савдолашув шаклда амалга оширувчи улужи бозорни шакллантирувчи ва биржа савдосини мувофиклаштириш йули билан ташкил этилган юридк хукукий шахс куринишидаги ташкилот тушунилади.

Товар биржалари амалдаги конунлар доирасида тасдикланувчи уз филиаллари ва махсус булинмаларига эга булиши мумкин .

Хукукий жихатдан биржалар барча мамлакатда расмий руйхатдан урказилгантурли хукукий шаклда барпо этилган бирлашмалар хисобланадилар. Купинча улар шакли маъсуляти чекланган жамият, уртоклик хиссадорлик-акциядорлик асосоциялари куринишида булади.

Умумбиржа мулкига нисбатан биржани хама аъзолари мулкни тенг хукули эгалари булишлари билан бирга бир вактнинг узида узлари куйган улушлари ва олинадиган даромадларга эгалик киладилар. Улар ташкил килган хуккий ёки жисмоний хамжамия жамоа куринишида булиб улардаги алохида фукаролар, ташкилотлар биржа брокерлик тулорвлари йигимлари савдодан келадиган чегиртма фойдага эгалик киладилар.

Купинча биржалар корпораця сифатида фаолият курсатиб, кайси мамлакатда жолашган булсалар, уша мамлакат конунилиги доирасида харакат киладилар Ривожланган мамлакатларда биржалар купинча фойда олишга интилишмай нотижорат макомига эга булиб инсонпарварлик ва диний гояларга тпаяниб турли кучли эътиборга молик солик имтиёзларига эга ташкилот сифатида майдонга чикадилар.

Биржа узи бевосита савдо операцияларини уз функцияларини амалга ошириш билан боглик зарур холлардагина амалга оширади. АКШдаги баъзи биржаар уз обру эътибрларини ошириш максадиа, Йиллик хисоботларида асосли равишда купмиллиардли ракамларни келтирсаларда факат рамзий 500- 100 доллар атрофида тоза фойда олишлари мумкин Уерда биржаларга бошка савдо бираларида (асосан фонд) кимматли когозлар соиб олиш ва сотиш рухсат эилган.

Албатта йирик биржаларни нотижорат макоми илгари йук эди.

Аммо кейнчалик биржалар роли ва функциялари тушунчалари тамоман узгариб кетди.

Биржаларни тижорат ташкилотлари сифатидаги фаолияти катнишчилари томонидан инвесторлар каби турли капитал куйилмалардан даромад олишлари назарда тутилар ди. Инвесторлар даромадларини оириш йулларидан бири биржа савдосини киммаитлашуви мижозлар учун турли тулов ва йигинмалар ва бошкалар оркали амалга оширилиши мумкин. Буэса уз навбатида маълум вакдан кейин биржа операцияарини усиги тухтатади. Ва шу билан биржа аъзолари мижозлардан чегиртмалар савд фаолиятидан фойдаларни йигишга олиб келгани мукарар.

Биржани хуукий шахс сифатида эгалик киладиган мулклари уйидагилар хисобланади;

-низом сармояси сифатида биржа аъзолари катнашчилари томонидан берилган мулк бошка киритмалар;

-иржа фаолияти давомида ички ходимлар томонидан яратилган махсулот, хизмат киймати,;

-катнашчи аъзоларнинг йиллик бадаллари ,биржа операцияларидан тушумлар, турли хил хизматла учун туловлар , коидабузарларга соинган жарима тушимлари , харирлар туловлари;

-мулк ёки пул шаклидаги бошка харид тушумлари ва х.к.

Одатда биржа низом шарномаси маклум микдордаги биржа сертификатларига буинади ва биржани хар бир аъзоси камида бита биржада операция утказиш хукукини берувчи бита сертификатга эга булии керак. Биржа сертификатлари пайлари йигиниси биржанинг низомда курсатилган асосий сармояс ташкил эади. Товар биржалари томониан амалга оширилувчи асосий ва ёрдамчи функцияларга куйидагиларни киритиш мумкин: реал товарларни олди-сотдиси; чайковчилик; хежирлаш; нархлар котировкаси; биржа товарларига стандартлар урнатиш; бир хил куринишли котимровкалар варакаларини ишлаб чикиш; савдо одатларини хисобга олиб хакамлик - арбитражлик функциясини амалга ошириш ва х.к

Товар биржаларини бошкариш хар бир биржаларда узига хос томонлари билан ажралиб турувчи учта ташкилот томонидан амалга оширилади; биржа аъоларири(пайчилар), таисчилар умумий йигилиши (биржа комитети директорлар кенгаши) ва ижрочи бошкарувчи.

Биржани олий органи булиб биржа тасисчилари ва азолари умумий йигилиши хисобланади. У низомни унга киритилган узгартиришлари билан тасдиклайди. Биржанинг бошка хужжатларинихам факат умумий йигилиш тасдиклайди.

Биржа умумий йигилишида овоз бериш хукукисиз биржа ходимлари, таклиф килинганар ва бошкалар катнишишлари мумкин.

## Кискача хулосалар:

Товар биржаси дегада узи урнатга коидаларга асосан аввалдан аникланан жойда ва аввлан аникланган вактда ошкора савдолашув шаклда амалга оширувчи улужи бозорни шакллантирувчи ва биржа савдосини мувофиклаштириш йули билан ташкил этилган юридк хукукий шахс куринишидаги ташкилот тушунилади.

Товар биржалари амалдаги конунлар доирасида тасдикланувчи уз филиаллари ва махсус булинмаларига эга булиши мумкин.

Купинча биржалар корпораця сифатида фаолият курсатиб, кайси мамлакатда жолашган булсалар, уша мамлакат конунилиги доирасида харакат киладилар Ривожланган мамлакатларда биржалар купинча фойда олишга интилишмай нотижорат макомига эга булиб инсонпарварлик ва диний гояларга тпаяниб турли кучли эътиборга молик солик имтиёзларига эга ташкилот сифатида майдонга чикадилар.

Товар биржалари томониан амалга оширилувчи асосий ва ёрдамчи функцияларга куйидагиларни киритиш мумкин; реал товарларни олди-сотдиси; чайковчилик; хежирлаш; нархлар котировкаси; биржа товарларига стандартлар урнатиш; бир хил куринишли котимровкалар варакаларини ишлаб чикиш; савдо одатларини хисобга олиб хакамлик - арбитражлик функциясини амалга ошириш ва х. к.

Биржани олий органи булиб биржа тасисчилари ва азолари умумий йигилиши хисобланади. У низомни унга киритилган узгартиришлари билан

тасдиклайди. Биржанинг бошка хужжатларинихам факат умумий йигилиш тасдиклайди.

Биржа умумий йигилишида овоз бериш хукукисиз биржа ходимлари, таклиф килинганар ва бошкалар катнишишлари мумкин.

Биржа фаолиятини  тезкор бошкариш максадида тахминан 6—70 кишидан иборат бошкарув аппарати ташкил этилиши мумкин.

### Назорат саволлари:

1. Товар биралари функцялари ва вазифаларига нималар киради?
2. Товар биржалари бошкарув операцияларини ташкилотларни бирма бир сааб утинг.
3. Товар биржасининг олий органи нима хисобланади?
4. Товар бираларининг таркибий тузилиши канака?
5. Биржа савдолари утказиладиган жой кандай номланади?

### Адабиётлар:


1. Дегтярева О.И., Кандинская О.А.,”Биржевое дело” Москва., ЮНИТИ 2003г.
2. Каменева. Н.Г., “Организация биржевой деятельности” Москва. Банки и Биржи ЮНИТИ 2001г.
3. Узун В.Я. “Товарная биржа” Москва , Знание 1998 г.
4. С.Салимов «Биржа и биржевая деятельность» Ташкент. 2003 г.
5. Додобаев Ю.Т., Азизова Н., Худойбердиев А. «Биржевое дело» 2001г
6. www.yarmarka.ru
7. www.expo.uz
8. www.uz-realty.uz


## *5-Мавзу.* Биржа савдосини ташкил этиш.

### Режа

1. Биржа савдоси иштирокчилари.
2. Биржа операциялари залидаги савдо жараёни.
3. Савдоланиш тартиби.

Биржа савдосида операциялар залига савдо катнашчиари кирадилар. Уларга биржа иш тажрибасига эга шу ишга махсус ёллаб олинган ходимлар ва хамда биржа комитетлари вакиллари кирадилар. Улар уз навбатида брокерлар, диллер - даллолра, трейдерлар, клерклар ва маклерлардан иборат. Булардан ташкари операциялар залига ; биржа ходимлари бош ижрочи раис, идора раиси, биржа кенгашининг маъсул аъзоси давлат комссари ва хамда биржа кенгаши тнидан русат этилган бошка кишилар кирадилар.

Биржа воситачиси уз доимий мижозларини шакллантириш учун харакат килиб, уларнинг манфаатлари учун биржада товарлар сотиб олади ва сотади. Биржа воситачиси доимий мижоз булмаган корхона ва ташкилотлар учун хам савдо битими туиши мумкин .

Биржа товарларни соти, сотиб олиш ва ёки уларни бошка товарлар билан алмаштириш операциялари факат биржа воситачилари томонидангина амага ошимрилади. Уларга куйидагиар киради:

-Брокерлар-уз хизматлари учун чегиртма хак олувчи биржа аъзолари булиб, улар мижозлар буюртмалари буйича товар сотиш ва харид килиш буйича савдо кконтрактларини тузди.

-Даллол ёки диллер- уз хисоби ёки уз номидан биржа воситачсига олиб берувчи , биржа аъзоси. Улар биржада уз жойларига эа булиб котейровка ишларини амалга оираилар. Уларни даромадари сотиб олиш ва сотиш нархлари тафовутидан ,ва хамда валюта ва кимматли когозлар курсларини узгаришидан иборатдир.

-Трейдерлар- бу биржа аъзолари булиб, узлари учун савдо киладилар.

-Маклерлар (жобберлар)- бокерлардан фаркли уларок факат уз хисобидан ва факат узи учун товар сотади ва сотиб олади. Маклерлар биржада савдони бошкаради.

-Клерклар – биржа алида турли мажбуриятларни бажариб юрувчи хизматчи.

Бутун савдо битими биржа залида амалга оирилади. Биржа залига хамма иштирокчилар сигиши керак . Хорижий иржалар операциялар залига 2-3 минг киши бемалол сигадиган булиб хар-бир савдо катнашчиси учун кулай иш шароити яратилган. У кабина ёки секцияларга булинган булади.

Дунёнинг купчилик биржа ларида биржа савдоси бир неча товарар билан бир вакда секциялара бирданига олиб борилади. Битмлар имзолаш учун хар бир секциялар ката зал сахнидан пастрк булган нисбатан кичик майдонча ажратилади.

Биржа аъзоларининг хапр бир катнашчиси учун бир хил имконият яратилаиган кииб жойлаштирилади. Шунинг учун хам купгина жорий иржалар заларида амфиеатр ёку цирк сахнасига жуа ухшаш булиб, савдо катнашчилари бир-бирларини ва операция олиб борувчи бокарувчини яхши куилари бир-бирларини имо-ишора харакатларини яхши тушина лишлари зарур. Россияда Челябинск унверсал биржаси юкоридаги талабларга жавоб берувчи биралардан бири. Биржа халкасининг маркази ва чеккаларида бироз баландликда биржа ходимлари ва биржа савдоини олиб борувчива битмлар имзоланса уларни руйхатга олувчи ходимлар эгаллашади.

Баобру фирмани вакили булган брокер одатда биржа чукурчасининг баландк боскичини эгалайди. Унинг кулида купгина буюртмалари улиб, уни хамма савдогарлар ва ухаммани куриб туриши керак булади. Бундан ташкари яхши жой фирма вакили илан дотмо алокада булиб туришликни аъминлайди.

Трейдерлар жойи чукурликнинг энг паст ёки пастки боскичлари хисобланади.

Чукурликда брокер ва трейдерлар орасида факат нарх хисобини олиб борувчи клерк хизматкор булади. Унда рация булиб хар бир акция нархи узгаришини рация оркали эълон килиши керак.

Янги на компьютер системасига киритилади ва электрон табло деворида чикарилиб савдонинг боришини акс эттириб туради. Битм катнашчилари хисобчи клрка охирги нархни эслатиб куйишари керак. Булмаса битм бекор килинади.

Хорижий биржалар электрон табло деворларида факат битм нархларини акс эттирибгина колмай биржадаги бошка моллар, бошка товар валюта ва фонд бираларидаи маълумотлар, хатто нарх харакаиларига таъсир этувчи об-хаво , товар ортирилиши, сиёсий ахвол вокеалар ва бошкалар хакидаги маълумотлар бериб борилади.Брокерлар одатда савдо залига одатда савдо бошланишига 30 дакика колганда йигиладиларУларни хар бири кулида савдодаги товарлар руйхати, нархи, буюртма хажми идора ёки омбор жойлашган жой , товар еиказиб бери хакидаги маълумотлар ёзилган махсус варакалар билан таъминланган буладилар. Хар бир товар цекциясида уч маротаба бонг урилиб савдо бошланганлиги эълон килинади.

Биржа савдоси ошкора ташкил этилади. Таклифларга охирги макуллаган кимса битим томони хисобланади. Яъни таклиф талаб нархи билан мос келганини товар эса сотилганини билдиради.

Форвард ва кушимча шартлар билан тузиладиган битимлар томонлар келишуви асосида амалга оширилади.

Секцияда савдони биржа маклери орлиб боради. Аввал тез сотилиши керак улган реал мавжуд товарлар билан иш бошланади. Кейин эса талифлар буйича форвард (яъни хисоб-китоблари битм куни эмас бир оз вакт утгандан кейин ва бошка шартлар билан ) операциялари буйича бимимлар тузилади.Хар бир секцияда савдо куйидаги тартибда олиб борилади. Даставвал маклер ушбу биржа кунида савдога куйилган барча товарлар руйхатини укийди. Маклер руйхатни укиётган пайтда битм учун зарур товарлар топган брокерлар куларидаги гувохномалари ёки баланд кутарадилар. Маклер дархол товарни сотувга чикараётган брокерлик идора ракамини айтади . Брокер идораси вакили харакатни тасдикламаса ( ёки шу пайтда шу ерда булмаса, ёки мудраб колса ) товар савдодан олиб ташланади ва брокер биржага келмаанлиги учун биржага жарима тулайди.

Ундан сунг маклер бошка товар турига утади. Бутун руйхат укиб булингач кичик танаффус эълон килинади. Кейин бонг бир марта урилгандан сунг ишнинг иккинчи кисми , рокерлар таклифлари мухокамасига утилади. Хар бир брокерик таклифининг мухокамаси икки кисмдан иборат булади.

Мухокаманинг иккинчи кисмида секцияга йигилган харидор брокерларнинг мукобил (карама-кари таклифлари) мухокама киинади.

Брокер харидорлар товар харид килиш шартларини эълон килади. (ёк товарнинг бир кисмини).

Бу шартар товар хажми ва нархи хусусида булади. Агар битм яна имзоланмаса маклер сотувга куйилган товарлар руйхатини кейинги позисиясини мухокамасига утади.

## Кискача хулосалар.

Биржа савдосида операциялар залига савдо катнашчиари кирадилар. Уларга биржа иш тажрибасига эга шу ишга махсус ёллаб олинган ходимлар ва хамда биржа комитетлари вакиллари кирадилар. Улар уз навбатида брокерлар, диллер - даллоллар, трейдерлар, клерклар ва маклерлардан иборат.

Биржа савдоси ошкора ташкил этилади. Таклифларга охирги макуллаган кимса битим томони хисобланади. Яъни таклиф талаб нархи билан мос келганини товар эса сотилганини билдиради.

Даставвал маклер ушбу биржа кунида савдога куйилган барча товарлар руйхатини укийди. Маклер руйхатни укиётган пайтда битм учун зарур товарлар топган брокерлар кулларидаги гувохномаларини ёки кулларини баланд кутарадилар. Маклер дархол товарни сотувга чикараётган брокерлик идора ракамини айтади. Брокер идораси вакили харакатни тасдикламаса (ёки шу пайтда шу ерда булмаса, ёки мудраб колса ) товар савдодан олиб ташланади ва брокер биржага келмаанлиги учун биржага жарима тулайди.

Ундан сунг маклер бошка товар турига утади. Бутун руйхат укиб булингач кичик танаффус эълон килинади. Кейин бонг бир марта урилгандан сунг ишнинг иккинчи кисми, рокерлар таклифлари мухокамасига утилади. Хар бир брокерик таклифининг мухокамаси икки кисмдан иборат булади.

Мухокаманинг иккинчи кисмида секцияга йигилган харидор брокерларнинг мукобил (карама-кари таклифлари) мухокама киинади.

Брокер харидорлар товар харид килиш шартларини эълон килади. (ёки товарнинг бир кисмини).

Бу шартлар товар хажми ва нархи хусусида булади. Агар битим яна имзоланмаса маклер сотувга куйилган товарлар руйхатини кейинги позисиясини мухокамасига утади.

## Назорат саволари:

1. Биржа савдосининг катнашчилари кимлар?
2. Биржа ходимларига кимлар киради?
3. Бира ходимлари вазифаларини биласизми?
4. Биржа товари деганда нимани тушунасиз?
5. Биржа савдосида иштирок этиш хукукига кимлар эга?

## Адабиётлар:


1. Дегтярева О.И., Кандинская О.А.,”Биржевое дело” Москва., ЮНИТИ 2003г.
2. Каменева. Н.Г., “Организация биржевой деятельности” Москва. Банки и Биржи ЮНИТИ 2001г.
3. Узун В.Я. “Товарная биржа” Москва , Знание 1998 г.
4. С.Салимов «Биржа и биржевая деятельность» Ташкент. 2003 г.
5. Додобаев Ю.Т., Азизова Н., Худойбердиев А. «Биржевое дело» 2001г.
6. Газета “Бизнес вестник востока” от 27 июня 2002 года № 26(544).

7. www.agrobirja.narod.ru
8. www.uzex.com

## 6-мавзу. Биржалар фаолиятини тартибга солиш.

**Режа**

6.1.Биржаларни таъсис этиш тартиби.
6.2.Биржалар фаолиятини тартибга солиш.

### 6.1.Биржаларни таъсис этиш тартиби.

Биржаларни яратиш узоқ давом этадиган машшаққатли ва қимматга тушадиган ишдир. Одатдаги бу иш ташаббускор кишиларни тўпланиши, шакилланишидан бошланади ва унга кирган аъзолар кейинчалик биржани таъсис этувчилари бўлиб қолади ва биржа раҳбариятига киради. Улар бўлажак биржанинг қандай бўлиши кераклигини белгилайдилар ва унинг фаолияти концепциясини ишлаб чиқадилар. Ҳозирги ратилаётган биржалар аслини олганда универсал биржалар ҳисобланади. Уларда турли-туман товарлар билан савдо қилинади. Фақат ихтисослаштирилган биржалар яхши истиқболга эга бўлади. Биржаларни яратишда уларни таъсис этувчилар сони ва таркибини аниқлаш масаласи хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Юқорида кўрсатилгандек, биржа турлича хуқуқий статистикага эга бўлиши мумкин; ёпиқ ёки очиқ шаклдаги акционерлик жамияти, аралаш тарздаги шерикчилик уюшмаси ва хаттоки давлат корхонаси бўлиши мумкин.

Биржалар юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан таъсис этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси раҳбарлик қилувчи ташкилотлар кам товар биржаларини таъсис этиш хуқуқига эгадирлар. Биржаларни таъсис этувчилар сони қанча кўп бўлса, уларнинг молиявий-моддий аҳволи хам шунча мустақил бўлади, улар биржага шунча кўп ёрдам кўрсатишлари мумкин. Лекин биржа раҳбарлари сонини кўп бўлиши, унга раҳбарлик қилишни мураккаблаштиради. Хар бир яратиш вариантини инсоний ва салбий томонлари хам бордир. Буларни хаммасини аввалдан чамалаб кўриш керак, ўзининг аниқ шарт-шароитлари билан солиштириб энг яхши вариантларини танлаш лозим.

Таъсис этувчилар сони аниқланиб бўлингандан сўнг, улар ўзаро таъсис шартномаси тузадилар. Шартномада биржа номи, устав фонди, қиймати, фаолият сохаси ва йуналишларини, биржани яратиш бўйича молиявий харажатларни бадалларини қўйиш усуллари ва шаклларини, жавобгарлик ва шунга ўхшашлар бўйича хуқуқ ва вазифаларни аниқ белгилайдилар. Таъсис хужатларни тайёрлаш, биржаларнинг устав фондини аниқлаш, акцияларга обуна бўлиш ва брокерлик жойларини сотиш ишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Шартномада иштирокчилардан бирига таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, ташкил этилаётган биржани рўйхатдан ўтказиш топширилди. Шуни билиш керакки, биржа аъзолари сифатида унинг таркибига бир вақтнинг ўзида

биржани таъсис этувчилар киради. Тайёрлов ишлари бўйича сарф-харажатлар жамият ёки бошқача қатнашчилари маблағлари ҳисобига уларни қўшган улушларига мос миқдорда аванслаштиради. Шу асосда умумий ишларни олиб бориш учун ишонч коғози берилади.

Биржанинг устав фонди республикамизда 50 млн. сўмдан кам бўлмаслиги керак. Устав фондининг аниқ миқдори биржанинг йириклигига ва вазифаларига, унинг оборотига, иштирокчилар сонига ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Устав фондининг энг кам миқдори хар йили нарх-наво даражасининг ўзгаришига мувофиқ равишда қонунларда белгиланган тартибда индексация қилиниши, яъни даврлар нисбати олиниши мумкин. Биржаларни пайчилар ёки акционерлик жамиятлари сифатида яратилиши тўғрисидаги қарорни таъсис конференцияси қабул қилади. Конференция биржа уставини тасдиқлайди: устав фондини камайтириш ёки ошириш тўғрисида, қарор қабул қилади; биржа ташкилотини сайлайди; ёки биржани яратиш жараёнидаги таъсис этувчилар битимини маъқуллайди; натура шаклида қўйилган киримларнинг қийматини баҳолайди.Таъсис конференцияси, шунингдек товар биржасидаги товар секциялари турини кўрсатади ва биржа савдоси қоидаларини тасдиқлайди.

### 6.2.Биржалар фаолиятини тартибга солиш.

Биржа фаолияти давлат томонидан тартибга солиб турилади. Бунинг учун қуйидаги ишлар бажарилади:

-биржани ва биржа фаолияти иштирокчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

-лицензиялар бериш;

-биржа фаолиятини солиқ солиш йўли билан бошқариш;

-биржага доир қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш. Давлат тасарруфида бўлмаган тузилмаларнинг биржалари ва биржа қатнашчилари фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва уларга лицензия бериш ишларига аралашувига йўл қўймайди.

Биржани давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўтказади. Биржа фаолиятини қатнашчилари рўйхатдан ўтказиш эса «Ўзбекистон Республикасидаги корхона тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланган қатъий суммаларда давлат божи ундирилади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган биржа ўз фаолиятини бошлаши учун лицензиялар олиши зарур. Биржа фаолиятига лицензия бериш тартибини Ўзбекистон Репубdays Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси белгилаб беради.

Лицензия олиш учун қуйидаги хужжатлар тайёрланади:

-лицензия олиш тўғрисидаги қўлланмада қабул қилинган шаклдаги ариза;

-таъсис шартномаси;

-биржа устави ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

-биржадаги савдо қоидалари;

-устав капиталини 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорини ўтказганлик хақида банк справкаси «маълумоти».

-савдони олиб бориш жойидан фойдаланиш хуқуқини тасдиқловчи хужжат.

Биржа фаолиятини солиқ олиш йўли билан тартибга солиб туриш корхоналари, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ қуйидаги идоралар, муассасалар, бирлашмалар биржа бўлиши мумкин эмас:

-давлат хокимияти ва бошқарувчининг олий ҳамда махаллий идоралари;

-давлат банклари ва давлат кредит муассасалари бунда банклар фонд ва валюта биржаларинг муассасалари бўлиши мумкин.

-давлат суғурта ва давлат инвестиция кампаниялари хамда фондлари;

-жамоат, диний ва хайрия бирлашмалари «ташкилотлари» хамда фондлари;.

-қонунларга кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган жисмоний шаҳслар.

**Хулоса**

Бу мавзуда асосан биржаларнинг таъсил этиш ва бошқариш борасида гап кетади. Биржани таъсис этиш тартиби ўзига хос бир мунча машаққатли иш бўлиб ҳисобланади. Одатда, бу иш ташаббускор ишларни бир жойга тўпланиши, унга кирган кишилар ёки аъзолар кейинчалик бир жами таъсис этувчилар бўлиб ҳисобланиши ёки қолиши ва бўлажак биржанинг қандай бўлиши тўғрисида улар қандай хуқуқий статистикага эга бўлиши мумкинлиги, уларни яъни таъсис этувчиларни сони таъсис хужжатларини тайёрлаш ва бошқалар кўрсатиб берилган. Биржада фаолиятини тартибга солишда эса, биржа фаолияти давлат томонидан тартибга солиб турилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши, лицензиялар олишни тартибга солиш ва бошқариш тизими тўғрисида гап юритилган.

**Таянч иборалари**

Универсал биржалар. Таъсис этиш хуқуқи. Таъсис шартномаси. Устав фонди. Таъсис конференциясиғ Тартибга солиш. Лицензия. Хужжатлар. Солиқ олиш.

**Назорат ва муҳокама саволлари.**

1. Универсал ва ихтисослашган биржалардан қайси бири яхши истиқболга эга бўлади?
2. Таъсис шартномаси қандай маълумотларни ўз ичига олади?
3. Биржаларни пайчилар ёки акционерлик жамиятлари сифатида яратилиши қаерда қабул қилинади?
4. Биржа фаолияти давлат томонидан тартибга солиш вазифалари нималардан иборат?
5. Биржани давлат рўйхатидан қаерда ва қандай қонунга асосан?

6. Қандай ташкилотлар биржа бўлиши мумкин эмас?

## 7-Мавзу. Биржа битими ва брокерлик фаолияти.

### Режа

7.1.Биржа битимининг мохияти.
7.2.Битим турлари.
7.3.Биржада брокер хизматининг урни ва ахамияти.

Биржа савдоси деярли хар доим стувчи ва харидор уртасида битим имзолаш билан тугайди. Биржа битими бу бира (савдолашуви) савдоси даврида биржа каташчилари томонидан биржа товарига нисбатан руйхатга олинган биржа келишуви (шартномаси). Биржа битмлари хукукий, иктисодий ташкилий ва этик (маънавий ) томонлари билан характерланади. Хукукий (юридик нуктаи назардан битим фукаролик хукк ва мажбуриятларини урнатиша, узгартиришга ёки тухтатишга каратилган харакат тушунилади. Биржа битимини хукукий арафдан битим катнашчиларининг хукук ва мажбуриятларини уз ичига олади.

Биржа битимини ташкиий томони битим хили ва катнашчиларини аниклаш ва битим тузиш учун зарур булган маълум харакатларни бажариш тартибини аниклаш билан бирга харакатларни аник хужатда акс ттириш билан ифодаланади.

Биржа битимининг иктисодий томони итм тузишнинг асосий максади (истеъмолчи эхтиёжларини кондириш, биржа товарини сотиш, нарх урнатиш, фойда олиш, пул куйиш, чайковчилик ва х.к.) ифодалайди.

Этика (маънавият ) томонидан биржа битмларига ва биржа савдосига умумий жамоатчилик муносабатлари , биржа конунчилиини риоя килиниши ( анъана, меёр ва ахлок каби тушунчаларни биржа конунида ифда этилганлиги ва уни барча биржа катнашчилари томонидан бажарилиши) .

Биржа битимлари натижасида катнашчилар нима килиб булса хам эмас балки кабул килинган конун ва коидаларга ама килган холда маълум микдорда фойда олишлари билан ифодаланади.

Товар биржалариа тузилган битимлар куйидаги хусусиятлара эгадирлар:

-битим биржа товарини олди сотди шартнома (контракт) си булиб унда товар дархол ёки келишилган мудатда янги эгасига етказиб берилиши кераклиги ифодаси;

-битим тузиш тартиби, руйхата олиш ва расмийлаширилиши биржа хакидаги давла конугнчиигига ва аник бир бира (уша ойни узидаги) да кабул клинган (урнатиган) коидаларга мос булиши;

-биржа уз савдосида тузилган руйхатга олинган битимлар юзасидан кафолат бериши;

-битимлар биржада тузилган булиб , маълум коидаларга жавоб бериши керак, жавоб бермайдиган битмлар биржа тасарруфидан ташкарида гайри

бтржавий деб хисобланади ва бунай битмлар юзасидан биржа кафолати берилмайди;

-биржа гайрибиржавий битмлар тузаётган биржа катнашчиларига нисбатан тури санкциялар куллашга хаклидир;

-биржада битмлар биржа хисобидан ёки биржа номидан тузилмайди, битим тузиш биржа катнашчиларининг одатда мутахасис воситачи булган биржа аъзоси брокерлар функцияси;

-биржа битими тузишга тайёргарлик биржадан ташкарида булади, аммо уни имзолаш эса аник ир савдолашув жараёида аала оширилади.

Битим тузишга “имзолаш” асос контрагентни очик олиб бораётган савдода ушбу товар секцияси маклери томонидан инобатга олинган огаки розилиги исботдир.

Биржада руйхатга олинган вактдан бошлаб битим имзоланган хисобланади. Битим имзоланаётганда томонлар узаро хал килиши зарур булган масалалар доирасида битим тузиш шакли ва тартиби кабиларни келишиб оладилар.

Битим таркиби шартлари:

товарни номланиши (ёки номи);

уни сифати;

товар хажми (ёки партияси);

харид килинган товар киймати тулов шакллари ва нархи;

етказб бериш манбаи,базаси;

товар кабул килинадиган жой;

товар етказиб бериш шартлари ва битим бажарилиш муддати.

Битим тузиганда товарни номи, уни хажми, сифати ,нархи, хаммага ошкора ълон килинии шарт. Колган барча битим шартлари тижорат сирисифатида айтилмасиги хам мумкин.

Битимлар ягона хуукий ассга эга булишликлари учун хар бир биржа контрагентари орасидаги муносабатларни тартибга солиш максадида махсус коидалар ишлаб чикадилар. Булар битимларни тайёрлаш,уларни бажариш, битимлар юзасидан хисоб-киоблар, битимлар бажарилиш юасидан жавобгарлик,ва хамда эътирозлар ечими хакидаги коидалардир.

Шундай килиб битимларни конунчиик асосида уз навбатида биржа савдосиаги беандиша савдогарликка карши кураш турларидан биридир. Битим тузишга тайёргарлик одатда биржадан ташкарида олиб борилиб, битимнинг савдолашиш жараёнида хар бир биржада узи учун урнатилган коида ва меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилади.

Биржада савдолашув деярли хар-хил хусусиятлари буйича касифкациялаадиган биржа битимлари билан якунланади.

1-жадвал. Биржа битимлари тузиш шартлари.

| № | Характеристикаси | Гарб мамлакатлари биржа савдоси | Россия |
|---|---|---|---|
| | Товар турлари | катъий белгиланган | маълум товар гурухлаидан хохаган тва турлари |
| | Товар сифати | катъий белгиланган | Хар бир битимда келишиб олинади |
| | Товар микдори | катъий белгиланган | Битим олдидан келишиб олинади |
| | Битим шартлари | нархи, етказиш муддати | нархи, етказиш муддати, товарга товар айриболаш |
| | Товарни тасдикловчи хужат | Олди-сотди контракти | Оли-сотди буюртмаси |
| | Маълум вакт ва маълум жойда савдолашув | маълум ватда маълум товар маълум нарда | маълум товар гунуларидан кеишув нархида исталган вакда |
| | Савд технологияси | купмароиаба битим тузиш | Вариантлар танлови асосида сотувчи ва харидорлар узаро олди-сотди шарти буйича |
| | Биржа савдолашуви натижаси | Товар олди-сотди контракти | Товар етказиб берш шартномаси |

Купрок учрайдиган савдо объекти хам асл товар, хам контракт сифатида учрайдиган битим. Унда това етказиш бериш муддати, уни нархи, сифати ва хажми келишиб олинади. Битим имзоланаётган пайтда айнан биржада товарни мавжуд булиши зарурий шартардан эмас.

Хозирда Россия биржаларида асосан битимлар мавжуд , улар товарлар юзасидан битилади. Россия биржаларида омборларнинг йуклиги учун Россия биржаларида битимнинг энг оддий хили товарни зудлик билан етказиб бериш усули кулланилади. Мавжу реал товарлар юзасидан битиладиган битимлар бу шарномада курсатилан шартлар буйича твар киймати харидор ихтиёрига утаётган пайтда туланади.

Биржа битимлари турлари куйидагиларга булинади.

1 Реал (мавжуд) товарлар юзасидан битиладиган битимлар.

2 Реал товарсиз битимлар.

Реал(мавжуд) товар юзасидан битиладиган битимлар куйидагиларга булинади:

Реал товарларни дархол етказиб бериш буйича битимлар;

Форвард битимлари, маълум муддатдан сунг етказиб бериш шарти билан;

Бартер битимлари;

Турли узаро келишилган шартлар билан битиладиган битимлар.

Форвард битимлари уз навбатида, товон (залог)ли битимлар ва мукофотли битимларга булинади.

Товонли битимлар эса, харид битимлар ва сотув битимларга булинади.

Мукофотли битимлар хам уз навбатида; - оддий битимлар;- иккиёклама битимлар, битимлардан кайтиш имконияти бор битимлар; - Мураккаб битимлар ( оддий битим билан иккиёклама битимларни кушилгани); - Киска битимлар( хажм курсаткичи маълум мукофот эвазига ошрилиши кузда тутилган).

Оддий битимлар уз навбатида Харид битимлар ва сотув битимларига булинади.

Биржа битимлари турлари




Товонли (с залогом) биржа битимлар мажбуриятларида бир контрагент иккинчи контрагентга битим битиш чоида иккала томон учун коникарли маълум кафолатли тулов амалга шириш кузда тутилган битимлардир.

Мукофотли битимларда бир контрагент иккинчисига махсус мажбуриятда битим битиш эвазига келишилган мукофотни тулаш

мажбуриятини уз зиммасига олади ёки мукофот туланмаса, иккинчи томон контрагент битимдан бутунлай воз кечиши кузда тутлиган биржа битимидир.

3. Биржада брокерлик хизматининг урни ва ахамияти.

Узбекистон Республикасининг « Биржа ва биржа фаолияти хакида»ги конунида белгиланишича, Брокерлик фаолияти биржа воситачилиги фаолиятининг мухим кисми булиб, унинг мазмуни; Мижоз хисобидан ва номидан биржа битимлари тузиш; Биржа воситачиси номидан ва мижоз хисобидан; Мижоз номидан, биржа воситачиси хисобидан битимлар тузиш хукукига эга биржа хизматчиси.

Брокерлик фирмалари, хусусий, тадбиркорлик корхоналари булиб, масъулияти чекланган жамият, хамкор корхона(товариҳество), шахсий-хусусий корхоналар шаклида булишлари мумкин.

Брокерлик фирмалари юридик (хукукий) шахс макомига эга булмасликлари, бирон-бир корхона, ташкилотнинг таркибий кисми булишлари хам мумкинлиги Россия Федереациясининг «Товар биржалари хакида» ги конунида эътироф этилган.

Одатда брокерлик хизматлари фаолиятлари куйидаги функцияларини бажаришга йуналтирилган булади:

Биржада буюртмачи буюртмаси буйича биржа битимлари битишда биржа воситачилигини амалга ошириш (факат етарли даражадаги малакага эгалиги хакидаги гувохномаси ва аттестати мавжудлигида).

Биржадан ташкаридаги воситачилик яъни биржадан ташкарида битилаётган олди-сотди шартнома-битимларида воситачилик килиш;

Биржа ва маркетинг фаолиятларии юзаисдан турли маслахатлар бериш, зарур тижорат ахборотини йигиш;

Битилган битимлар буйича зарур хужжатларни расмийлаштириш;

Узбекистон Республикаси амалий конунлари ва меъёрий хужжатларга зид булмаган бошка функцияларни бажариш имкониятига эгадир.

Биржа фаолиятида брокерлик хизматидан фойдалиниш мижозларга куйидаги имтиёзларни беради.

Уз шахсий харажатларини оширмай туриб, савдо операциялари хажмини сезиларли даражада усишига эришиш;

Юкори малакали савдо персанали хиҳматидан фойдаланиш имокнияти пайдо булади;

Савдалашув операцияларига брокерлик фирмалар хизматини жалб этиш, хихмат харажатларини савда хажмидан маълум процент микдорида хисоблаш имкониятини беради.

Брокерлик фирмалар хизматининг ахамияти айникса, фонд биржаларида каттадир.

1.Мижозлар акциялар сотиб олиш чогида, шубхали шахслар хизматидан фойдаланиб, бетайн-бекарор нрахларда эмас, балки шу кунги савдоларда шаклланган нархларда обрули акциялар харид килиш имкониятига эга буладилар.

2. Корхоналар, фукороларни буш ётган жамгарма пул маблагларини кимматли когозлар бозорига фаол жалб килиш эвазига миллий иктисодни ривожлантириш имкониятларини янада оширишга хизмат килади.

**Кискача хулосалар.**

Битим тузишга “имзолаш” асос контрагентни очик олиб бораётган савдода ушбу товар секцияси маклери томонидан инобатга олинган огаки розилиги исботдир.

Биржа битимлари турлари куйидагиларга булинади.

1 Реал (мавжуд) товарлар юзасидан битиладиган битимлар.

2 Реал товарсиз битимлар.

Реал (мавжуд) товар юзасидан битиладиган битимлар куйидагиларга булинади:

Реал товарларни дархол етказиб бериш буйича битимлар;

Форвард битимлари, маълум муддатдан сунг етказиб бериш шарти билан;

Бартер битимлари;

Турли узаро келишилган шартлар билан битиладиган битимлар.

Форвард битимлари  уз навбатида, Товон( залог) ли битимлар ва мукофотли битимларга булинади.

Товонли битимлар эса, харид битимлар ва сотув битимларга булинади.

Мукофотли битимлар хам уз навбатида; - оддий битимлар;- иккиёклама битимлар, битимлардан кайтиш имконияти бор битимлар; - Мураккаб битимлар ( оддий битим билан иккиёклама битимларни кушилгани); - Киска битимлар( хажм курсаткичи маълум мукофот эвазига ошрилиши кузда тутилган).

Оддий битимлар уз навбатида Харид битимлар ва сотув битимларига булинади.

Товонли (с залогом) биржа битимлар мажбуриятларида бир контрагент иккинчи контрагентга битим битиш чоида иккала томон учун коникарли маълум кафолатли  тулов амалга ошириш кузда тутилган битимлардир.

Брокерлик фаолияти биржа воситачилиги фаолиятининг мухим  кисми булиб, унинг мазмуни; Мижоз хисобидан ва номидан биржа битимлари тузиш; Биржа воситачиси номидан ва мижоз хисобидан; Мижоз номидан, биржа воситачиси хисобидан битимлар тузиш хукукига эга биржа хизматчиси.

**Назорат саволлари:**

1. Биржа битими деганда нима тушинилади?
2. Битимларнинг амалда кадай иллари мавжуд?
3. Битим мохияти нимадан иборат?
4. Операциялар нима учун керак?
5. Битим опарациялари нима?

**Адабиётлар:**


1. Дегтярева О.И., Кандинская О.А.,"Биржевое дело" Москва., ЮНИТИ 2003г.
2. Каменева. Н.Г., "Организация биржевой деятельности" Москва. Банки и Биржи ЮНИТИ 2001г.
3. Узун В.Я. "Товарная биржа" Москва , Знание 1998 г.
4. С.Салимов «Биржа и биржевая деятельность» Ташкент. 2003 г.
5. Додобаев Ю.Т., Азизова Н., Худойбердиев А. «Биржевое дело» 2001г.
6. www.agrobirja.narod.ru
7. www.yarmarka.ru


## 8-мавзу. Биржа бошқарув органлари.

**Режа:**

8.1.Биржалар: таъсисчилар, биржа аъзолари, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

8.2.Бошқарувни ташкил этиш.

### 8.1.Биржалар: таъсисчилар, биржа аъзолари, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

Биржани бошкариш унинг аъзолари томонидан шунингдек, унинг ёлланган персонали томонидан хам амалга оширилади. Биржа рахбариятининг Олий органи Директорлар (Бошкарувчилар) Кенгаши хисобланади. Кенгаш аъзолар томонидан сайланади. Биржа савдоси сиёсати, коида ва меъёрлари Директор Кенгаши томонидан белгиланади ва биржа кумиталари томонидан амалга оширилади. Бу кумиталар Директорлар Кенгаши томонидан тайинланади ёки биржа аъзолари томонидан сайланади. Кумита Директор Кенгашига тавсия билан чикади ва унга ёрдам курсатади, шунингдек биржанинг фаолият курсатиши билан боглик булган аник вазифаларни бажаради. Ёлланган персонал савдо ва овоз бериш буйича хукукларга эга булмайди. Персоналлар сони ва уларнинг мажбуриятлари Директорлар Кенгаши томонидан белгиланади. Персонал ДК ва кумита томонидан берилган топширик ва карорларни бажаради, персоналларнинг ташкилий тузилиши эса купинча кумиталар функцияларига мос келади.

Куплаб биржалар хусусий шахсларнинг ассоциацияси шаклида мавжуд булади. Биржа аъзосларининг сони чекланган булади ва у доимий равишда узгариб туради. Биржа аъзоси булган корпорациялар купинча тузилган битимлар буйича фоизлар тулашда, уз товарларини сотишда бир катор янгиликларга эга булиши мумкин.

Бундан ташкари баъзи биржаларда корпорацияларга, компанияларга ва кооперативларга биржалардаги аъзолари биланбирга канцелярия ва техник ишларни бажариш учун биржа аъзо булмаган хизматчиларни ушлаб туришга

рухсат берилади, бирок шартнома тузиш факат биржа аъзоси булган компания вакилининг хукуки булиб колаверади.

Биржа уставида унинг устав капитали курсатилади, бу капитал аъзоларнинг пайлари (взнослари) хисобига шакллантирилади.

Биржага аъзолик маълум бир хукукларни беради ва шунингдек маълум бир мажбуриятларнинг бажарилишини хам кузда тутади.

Биржа тулик аъзосининг асосий хукуки - бу мустакил равишда биржа доирасида битимлар тузишдир. Биржага аъзомаслар эса операцияларни факат биржа аъзолари оркали амалга оширадилар. Биржада битимлар тузиш хукуки автомат тарзда эмас, балки маълум бир тайёргарликдан утилгандан сунг ва мулокот килиш, шуни билиш буйича куйиладиган минимал талабларга жавоб бера олгандан сунггина берилади. Шундан сунг у савдогар (маклер) белгисини олади ва бу белги билан биржа доирасига кириш хукукини олади. Белги олган маклерга кучлирок молиявий талаблар куйилади, чунки уларнинг хатоси биржа фаолиятига сезиларли зарар келтириши мумкин, улар катта хажмдаги операцияларда иштирок этадилар.

Биржа аъзоликнинг яна бир афзаллиги биржа операцияларини утказишга килинадиган харажатлар нисбатан кам булади. Одатда аъзомаслар хар бир битим учун биржа тулови тулайдилар, бу туловлар турли биржаларда турлича булиб, битимнинг 2% дан 15 % гачани ташкил этиши мумкин. Аъзолар эса бундай туловдан озод килиниши ёки кисман тулаши мумкин.

Биржада аъзолик тузилган битимлардан йигиладиган комиссион туловлардан келадиган даромадларни хам таъминлайди.

Биржага аъзоликнинг яна афзалликлари - аъзо биржа бошкарувида фаол иштирок этади, биржа фаолияти тартибларини шакллантиради в аузгартириб боради, намунавий битимлар шартларини узгартиришда иштирок этади, аъзомасларга нисбатан купрок ва аввалрок сунгги ахборотларга эга булади.

Узбекистон Республикасининг «Товар биржалари ва биржа савдоси тугрисида» ги конунига мувофик биржани таъсис этишда куйидагилар иштирок этиши мумкин эмас:

- давлатнинг олий ва махаллий хокимиятлари ва бошкармалари;
- белгиланган тартибда лицензия олган банк ва кредит муассасалари;
- сугурта ва инвестиция компаниялари хамда фондлари;
- ижтимоий, диний ва хайрия ташкилотлари хамда фондлари;
- конунчиликка мувофик тижорат фаолияти юритиши мумкин булмаган жисмоний шахслар.

Таъсисчилар сони канча куп булса биржанинг молиявий-моддий ахволи шунчалик яхши булади, шу билан бирга таъсисчиларнинг куплиги биржани бошкаришни кийинлаштириб юборади.

Биржанинг устав капиталига уз хиссасини кушган ёки биржа мол-мулкига максадли, аъзолик бадалларини тулаган шахслар таъсис хужжатларида курсатилган тартибда аъзоликка кабул килинадилар.

Биржа аъзолари куйидаги хукуклари мавжуд:

1. Биржа савдоларида иштирок этиш.

2. Биржа норматив хужжатларига мувофик биржа бошкарувида иштирок этиш.

3. Фойда таксимлашишида иштирок этиш ва белгиланган дивидентларни олиш.

4. Биржа савдосига катнашиш хукукини бошкача ижарага бериш (белгилангантартибда ва факат битта юридик шахсга).

Биржа аъзоларининг сони чекланган, у биржа устав капиталининг хажмига ва кушилган пайнинг кийматига ёки битта акциянинг кийматига боглик булади. У биржадаги «жой»нинг бахосини шакллантиради.

Жой - бу биржа аъзосининг мулкидир. У сотилиши ёки ижарага берилиши мумкин. Жойнинг бахосини биржа кумитаси аниклайди, у талаб ва таклифга боглик булади. Масалан, 1991 йилда РТХБдаги жой 2 млн 470 минг сумга сотилади (унинг номинал киймати 100 минг сум эди), уша йилнинг охирида эса жой бахоси 7 млн. 600 минг сумгача кутарилади. 1995 йилда Чикаго товар биржасидаги битта жой 406 минг $ га сотилади. Шу биржада тулик аъзолик жойи 445 минг $ га таклиф этилди ва 405 минг $ талаб килинди.

Чет элларда товар биржаларида турли гурухлардаги аъзолар мавжуд булади. Масалан, Лондондаги металл биржасида куйидаги аъзолар мавжуд.

1. Индивидуаллар (принципиаллар) - уз номидан битимлар тузади.

2. Вакил - аъзолар, улар буюртма берган компаниялар номидан битимлар тузади.

«Товар биржалари ва биржа савдоси тугрисида»ги конунга мувофик куйидаги биржа аъзолари фаркланади:

*тулик аъзолар - биржанинг барча секцияларида булим ва булинмаларида) савдо килиш хукукига эга аъзхолар;

*Туликмас аъзолар - биржанинг маълум бир секцияларида (булим ва булинмаларида) савдо килиш хукукига эга аъзолар:

Биржани бошқариш унинг Уставига мувофиқ амалга оширилади. Биржа ўз бошқарувчисининг тузилишини, шакли ва услубларини мустақил белгилайди.

- Биржауставида қуйидагилар белгилаб берилади:
  - биржанинг номи ва тури;
  - биржа манзилгохи;
- биржа фаолиятининг соҳаси ва мақсади;

-устав фондининг миқдори, муассасалар томонидан фойда улушлар киритилишининг тартиби ва муддатлари;

-даромадни тасдиқлаш ва мўлжалланган зарарларни қоплаш тартиби;

-биржа муассасалари ва аъзоларининг мулкий жавобгарлиги;

-биржанинг бошқарув идоралари, уларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколатлари;

-биржа савдо-сотиғи қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби;

-биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш ва тўхташ тартиби, биржа аъзоларини хуқуқ ва мажбуриятлари;

-биржани қайта тиклаш, ташкил этиш ва тўхтатиш тартиби.

Мустақил давлатлар кенгаши, шу жумладан Ўзбекистондаги ва чет элдаги жисмоний ва юридик шахс ҳисобланган қуйидаги талабларни бажаргандагина аъзолари бўлиши мумкин:

биринчи, агар шу шахсларга тадбиркорлик билан шуғулланиш қонунда ман қилинмаган бўлса;

иккинчидан, агар улар биржа устави ва биржа кенгаши аъзоларига қўйилган талабларга жавоб берса;

учинчидан, агар аъзоликка кирувчилар зарурий бадалларни ёки брокерлик ўрни учун тўловларни тўлай олсалар.

Биржа аъзолигига кириш фақат Биржа Кенгашининг розилиги билан бўлиши. Биржа ички ишларини бошқариш ва бошқа субъектлар билан хуқуқий ташқи алоқаларни ўрнатиш учун биржа раҳбар ташкилоти яратилади.

Улар қуйидагилар;

- биржа аъзоларини умумий йиғилиши;

- биржа қўмитаси. кенгаши ёки биржа уставида кўрсатилган бошға ташкилотлар Бошқарув идораси, Бошқарма, Ташриф комиссияси, Арбитраж, ҳисоб палатаси, Рўйхат комитети, савдо қоидалари бўйича қўмита ёки шунга ўхшашлар. Уларнинг фаолиятлари махсус Норматив хужжатлар. Устав, биржа қарорлари ва қўлланмалари билан тартибга солинади.

Биржага раҳбарлик қилишнинг энг олий органи биржа аъзоларини умумий йиғилиши ҳисобланади. Бу йиғилиш йилда бир марта бўлади. Йиғилишлар ўртасидаги фарғ 1 5 ойдан ошмайди. Умумий йиғилиш қуйидаги масалаларни хал этади : -Уставни тиклайди, унга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритади;

- биржа кенгаши тўғрисидаги қўлланмани тасдиқлайди, қўшимчалар ва ўзгаришлар киритади;

- шуъба «дочерний» корхоналар ва бошқа алоҳида фирмаларни яратади ва зарур ҳолларда тугатади,

- директорлар кенгаши «Биржа кенгаши»га тушган шикоятларни кўриб чиқади;

- биржа фаолияти натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, тафтиш комиссияси хулосаларини, даромад ва зарарлар ҳисобини тасдиқлайди.

Умумий йиғилишлар орасидаги энг олий орган раҳбарлик органи бўлиб, Биржа Кенгаши ҳисобланади. Унинг сони ва хар бир шахс бўйича таркибини акционерларнинг умумий йиғилиши белгилайди. Биржа Кенгаши зарур бўлмаган барча масалаларни хал этади. Унинг хуқуқлари махсус қўлланма билан белгиланади. Биржанинг кундалик маъмурий-хўжалик ва коммерция фаолиятларига маъмурият раҳбарлик қилади. Биржа қуйидаги вазифаларни бажаради: - биржа савдо-сотиғини ўтказиш учун шароит яратиб бериш;

-биржа операцияларини тартибга солиб бориш;

-товарларга булган таклифлар ва талаблар нисбати асосида нарх-навони аниқлаш;

-Биржа аъзолари ва мижозларига ташкилий йўсиндаги ҳамда бошқа хил хизматлар кўрсатиш;

-мунтазам равишда нарх-наво аниқлашига, индексацияси ва

ўзгаришига, савдо-сотиқ вақти, товарлар, битим хажмлари, шартномаларнинг миқдорларига ва бошқа кўрсаткичларига доир ахборотларни, товарлар бозорининг аҳволи ва унинг ривожланиши тахминларига доир тахминий шартларни эълон қилиш.

**8.2.Бошқарувни ташкил этиш.**

Биржани бошкариш унинг институционал таркибидан келиб чикади ва куйидаги куринишда булиши мумкин:




Биржанинг таъсисчилари уни ташкил этишни зиммасига олган ташаббус гурухидир. Таъсисчилар таъсис шартномасини имзолайдилар ва дастлабки бадалларни киритадилар:

Хам ижтимоий хам хукукий шахс таъсисчи булиши мумкин.

Биржани бошкариш органлари ижтимоий ва стационар таркиблардан иборат булади:



Умумий йигилиш - бу биржа ичидаги фаолият буйича турли тартибларни урнатувчи орган булиб у куйидаги фаолиятни бажаради:

* бутун биржанинг ва биржа савдосининг бошкарувини амалга оширади;

*биржанинг максад ва вазифасини унинг ривожланиши стратегиясини ички тартиб коидасини аниклайди ва ишлаб чикади;

*таъсис хужжатларини тасдиклайди ва узгартиради (шартномалар, устав, савдо коидалари ва бошкалар);

*биржа кумитаси ва ревизия хайъати сайловини ташкил этади ва тасдиклайди;

*кумита, кенгаш ва органлар таркибига узгартириш киритади, уларни тулдириб боради;

* биржа фаолияти натижаларини тасдиклайди ва фойдани таксимлайди;

* дивидентлар тулаш тартибини ва зарарларини коплаш шартларини ишлаб чикади;

* биржада жойларни кенгайтириш ёки камайтириш масаласини хал килади, биржа аъзолари учун квоталар белгилайди;

*биржа кумитаси карорларини тасдиклайди;

* биржага янги аъзоларни кабул килади;

* биржанинг харажатлар сметасини тасдиклайди.

Биржа тузилиши. Маълумки биржа - бу алоҳида маҳсус ташкил этилган бозордир. Бундай ташкил этишнинг ҳусусиятлари ва тузилишини кўриб чиқамиз.

Биринчидан, хар қандай биржада биржа мажлисларини ўтказиш вақти чекланган.

Иккинчидан, секциялар бўйича ажратилган операция залида ўтадиган савдо олиб бориладиган жой хам аниқ ажратилган. Хар бир секция бир турдаги товарни сотиш бўйича ихтисослаштирилган ва савдони унда ўзини далоли олиб беради.

Секциялар сони шу биржада муомилада бўладиган товарларнинг ассортиментини кенглигига боғлиқ бўлади.

Дунё тажрибалари шуни кўрсатадики, товар биржалари ўзини ривожланишида универсаллаштиришдан тор даражада ихтисослаштириш йўлини босиб ўтган. Биз хозир шу йўлнинг бошида турибмиз, шунинг учун бизнинг биржалар асосан универсал биржалар бўлган ва хозир хам шундай. Уларнинг товарлар ассортименти анчагина турли-тумандир. Шунга мувофиқ товар секцияларни хар хилдир. Биржада секциялар келажакда бўладиган товарлар, ёки уларни ўтказиб бериш шартномалари, намунали шартномалар, бартер операциялари бўйича савдо қилиш, аукционда сотиш секциялари ва шунингдек қимматбаҳо коғозлар билан савдо қилиш каби махсус секциялар ташкил этилиши мумкин.

Учинчидан, савдони секциялари бўйича ташкил этишдан ташқари брокерни мўътадил иш олиб боришини махсус бўлинмалар таъминлайди:

- биржа савдоси қоидалари қўмитаси;

- стандартлар ва сифат бўйича қўмитаси;

- котировка қўмитаси. Бу қўмита хар бир товар ёки товарлар гуруҳи бўйича баҳо бюллетенини чиқаради ва бундан брокерни хабардор қилади. Бозор конъюнктураси асида биржа кунидан олдинги ва биржа кунидаги баҳолар тўғрисидаги маълумотлар асосида бугунги кундаги товар баҳосини аниқроқ даражада белгилаш мумкин. Муомилада бўлишни, биржада юриш бугунги биржа кунидаги битим учун илгаридан белгиланган хеч қачон баҳо бўла олмайди.

Ахборот тахтаси уч қисмдан иборат:

АА Таклиф, талаб ва якуний битимлар. Буларга рўйхат бўлиши ёки ахборот бюросидан; биржада ўз ўрни бўлган савдо иштирокчиларидан, маълумотлар тушиб туради. Талаб ва таклифга тегишли маълумотларда таклиф этиладиган ёки сўраб олинадиган товарларнинг номини, ҳажмини ва тартиб ўрни акс эттирилади ва бу маълумотлар таблога тушади.

«Якуний битим» бўлагида хар бир турдаги товар баҳоси ва амалга оширилган охирги битим шарт-шароитлари кўрсатилади. Баҳо масаласи хал бўлгандан сўнг, савдо бошланмасидан икки - уч кун илгари брокерлик идораси ариза беради, масалан, ғишт сотиш тўғрисида Биржа маълумот каналига таклифлар киритади. Бу маълумот операция олиб бориш залининг махсус кўргазма жойида акс эттирилади. Агар шундай маълумот ўз вақтида етказилмаса яқин кундаги савдога қўйилмайди. Агар брокер ғишт эмас, бошқа тезда сотилиши зарур бўлган товарни реализация қиладиган бўлса аризани Биржа маълумот каналига киритиш шарт эмас. Бу маълумотни савдодан олдин маклерларга топшириши мумкин. Шундай қилиб, ғишт сотиш тўғрисидаги ариза Биржа маълумот каналига киритилади, икки кундан сўнг бизнинг брокеримиз қурилиш материаллар бўлимида ғиштнинг

барча партиясини муваффақиятли сотди, дейлик. Шундан сўнг битимларни рўйхатдан ўтказиш бўлими ёки қўмитасига битим рўйхатдан ўтказилади, жихатлаштирилади. Бунинг учун сотувчи-брокер ва олувчи брокерлар операция залидаги компьютердан бирига келиши ва битимни хужжатлаштирилиши лозим. Натижада, хисобот натижасида тузилган битим бўйича ҳисоб ишлари амалга оширилади. Лекин шундай бўлиши хам мумкинки, брокернинг харакат жараёнида саволлар ва конфликт холатлар пайдо бўлиши мумкин. Биржа савдоси масалалари бўйича пайдо бўладиган талашувларни тезда хал қилиш ва юридик маслахатлар бериш учун биржада арбитраж бор. Албатта, ҳар бир биржани раҳбарлик структураси ўзига хос бўлади, уларни билиш учун қийин эмас.

## Хулоса

Биржани бошқариш унинг Уставига мувофиқ амалга оширилади.

Мустақил давлатлар Кенгаши, шу жумладан Ўзбекистондаги ва чет элдаги жисмоний ва юридик шахс ҳисобланганлар қўйилган талабларга жавоб берсалар Биржа Кенгашининг розилиги билан биржа аъзолигига киради. Биржага раҳбарлик қилишнинг энг олий органи биржа аъзоларининг умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилишлар орасидаги энг олий

раҳбарлик органи бўлиб Биржа кенгаши ҳисобланади. Биржа Кенгаши ўзига хос маълум вазифаларни бажаради. Биржанинг асосий ташкилий тузилиши кўриб чиқилган. Товар ассортиментига мос секциялар сони мавжуд бўлади. Брокерни иш олиб бориши махсус бўлинмалар таъминлайди: биржа савдоси қоидалари қўмитаси; стандартлар ва сифат бўйича қўмитаси; котировка қўмитаси. Уч қисмдан иборат ахборот тахтаси бўлиши шарт: талаб, таклиф ва якуний битимлар.

**Таянч иборалари**

Устав. Шакл ва услублар. Биржани ташкил этиш. қайта тиклаш. Тугатиш тартиби. Тадбиркорлик. Бадаллар. Биржа Кенгаши. Умумий йиғилиш. Шуъба (дочерний). Савдо-сотиқ. Нарх-наво. Биржа секциялари. Ихтисослаштириш. Даллол. Кумиталар. Ахборот. «Якуний битим».

**Назорат ва муҳокама саволлари**

1. Биржа уставида қандай маълумотлар бўлиши керак?
2. Биржа аъзоси бўлиш учун қандай талаблар қўйилади?
3. қайси орган умумий йиғилишлар орасидаги энг олий раҳбарлик органи бўлиб ҳисобланади?
4. Биржа қандай вазифаларни бажаради?
5. Брокерни муътадил иш олиб боришини қандай қўмиталар таъминлайди?

## 9-мавзу. Биржа фаолияти.

**Режа:**

9.1.Биржа фаолиятини ташкил этиш.
9.2.Биржа савдосининг ташкил этишнинг муҳим ҳусусиятлари.

### 9.1.Биржа фаолиятини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президетининг 1994 йил 21 январидаги фармони. Ўзбекистонда биржа фаолиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу фармон асосида биржа фаолиятини ташкил этиш белгилаб берилди.

Биржалар турлари жуда кўп бўлиб, уларни ичида товар-хом ашё биржасини ташкил этиш фаолияти қуйидагилардан иборат: ~ биржа савдоси, очиқ савдоларни ўтказиш; - биржа товарларини сотиб олиш, сотиш ва айрибошлаш бўйича профессионал воситачилик хизматларини кўрсатиш учун олди-сотди қатнашчиларига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш;

- биржа товарларига нарх котировкасини амалга ошириш;
- биржа олди-сотдиси технологиялари ва усулларини, шу жумладан электрон усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

-шахар, вилоят, республика ва халқаро кўргазмалар, ярмаркалар ва тендерлар ўтказишни ташкил этиш;

- консалтинг хизматларини кўрсатиш;

- биржа фаолияти билан боғлиқ реклама-ахборот ишларини амалга ошириш;

- биржа операциялари инфраструктурасини ривожлантириш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни таъминлаш;

Биржалар бозор иқтисодиётининг алоҳида инструменти бўлиб, эркин фаолият олиб боради, талабни шакллантириши, уни ташкил этиш ва таклифни вужудга келишини ташкил қилиб, товарлар ўз-ўзини реализациясини мавжудга келтиради.

Республика фонд биржасини ташкил этиш фаолияти ўзига **хос** ва қуйидагилардан иборат;

-валюта бозорида операцияларни ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси пул бирлигини хорижий валюталарга нисбатан жорий бозор курсини белгилаш;

- корхона ва ташкилотларнинг ноконвертлаштирилган валютадаги пул маблағларини талаб ва таклиф асосида таркиб тобган курси бўйига конвертлаштирилган валютага алмаштириш бўйича операцияларни ташкил этиш;

- пул бозоридаги операцияларнинг ташкилий ва ахборот таъминоти;

- қимматбаҳо қоғозлар операциясини амалга ошириш;

- ҳисоб-китобларни биржада тузилган битишувлар бўйича биржа ҳисоб-китоб тўлови орқали чет эл валютасида ва Ўзбекистон Республикаси пул бирликларида ташкил этиш ва амалга ошириш;

- биржа хиссадорлари ва аъзолари, валюта хамда пул бозорларини бошқа иштирокчиларига зарур бўлган маслахат, ахборот ва хизматнинг бошқа турларини кўрсатиш;

- валюта ва пул, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги операциялар ва ҳисоб-китоблар учун дастурий воситалар ва автоматлашган мажмуаларни ишлаб-чиқиш, жорий этиш ва тарқатишдан иборат.

1995 йилдан бошлаб республика тижорат банклари валюта олди-сотдисида иштирок этиш ва чет эл валютасида операциялар олиб бориш хуқуқига эга бўлдилар.

Товар биржаси ва фонд биржаси каби интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотиқ қилувчи биржалар хам фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда 1994 йил апрелида бундай биржалар амлок биржаси бўлиб барпо этилди ва унинг фаолиятини ташкил этиш қуйидагилардан иборат;

- хусусийлаштириш жараёнини интенсивлаштириш;

-амлок Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштираётган давлат корхоналари мулки, нодавлат корхоналар, хиссадорлик жамиятлари, бошқа хуқуқий ва жисмоний шаҳслар мулкининг биржа савдосини ташкил этиш;

- Ўзбекистонда амлоқнинг очиқ савдосини ташкил этиш;

- биржада қадр-қимматга эга бўлган амлоқ ва мол-мулк баҳосини белгилаш хамда тартибга солиш йўли билан бозор муносабатларини ташкил этиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш:

- хуқуқий ва жисмоний шаҳсларга, шунингдек чет эллик инвесторларга давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида бевосита иштирок этиш учун кенг имкониятлар очиб бериш. Биржаларда товар сотишга қўйилиш жараёнида ташкил этиш фаолияти бошланса, товарларни биржа савдосидан олиш билан биржа фаолияти тўхтатилади.

Биржа фаолияти - биржа аъзолари ва уни тузган субъект-шахс ёки ташкилот қонунчилик бўйича қўйилган талабларни қўпол равишда бузганда ёки биржа тўлов қобилиятини йўқотган холларда суд қарорлари асосида тўхталиши мумкин. Фаолиятни тўхтатилишининг бундай асослари хар қандай юридик шахслар учун давлат идоралари берган хуқуқий лицензияларни бекор қилиниши биржани қайта ташкил этиш туфайли хам тўхтатилади. Биржа қайта тузилганда уни Уставига, давлат рўйхатдан ўтказиш Реестрига зарурий ўзгаришлар киритилади, биржа фаолиятини амалга ошириш хуқуқи учун янги лицензия олинади.

Биржани қайта тузиш қарори биржа аъзоларининг умумий йиғилишида, қонун хужжатларида кўрсатилган холларда эса тегишли давлат идораси томонидан қабул қилинади.

Биржани тугатиш биржа аъзоларининг умумий йиғилиш белгиланган тугатиш комиссияси, суд ёки бошқа идораси қарори бўйича, тугатилган холларда эса шу идора ташкил этган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Тугатиш комиссияси тайинланган вақтдан бошлаб биржа ишларига раҳбарлик хуқуқлари унинг қўлига ўтади.Тугатиш комиссияси бор бўлган мулкни баҳолайди, биржа дебиторлари ва кредиторлари юзага чиқаради ва улар билан ҳисобланади. Биржа қарзларини унинг аъзолари томонидан тўланиши бўйича чоралар қабул қилинади, тугатиш балансини тузатилади ва биржа аъзоларининг умумий йиғилишига узатилади.

Биржа ихтиёридаги пул маблағлари, шу жумладан бюджет билан ҳисобланиб биржа ходимларини меҳнат хақларини тўлаб, кредиторлар билан биржа чиқарган облигацияларни ушлаб турувчилар олдидаги мажбуриятларни ҳисоблашиб бўлгандан кейинги қолган мулкни сотишдан чиқарилган пуллар тугатиш комиссияси томонидан биржа аъзолари ўртасида тақсимланади. Биржа аъзоларини фойдаланиш учун биржага берган мулки мукофотсиз натура шаклида қайтарилади.

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик асосан тугатиш комиссияси биржага, унинг аъзоларига шуниндек учинчи шахсга етказган зарарига мулкий жавобгардир. Демак, биржани тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

**9.2.Биржа савдосининг ташкил этишнинг муҳим ҳусусиятлари.**

Биржа савдосини ташкил этишнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, савдода тўғридан-тўғри бирон бир товар ёки товар нусҳаси иштирок этмайди. Биржада стандарт талабларига жавоб берадиган товарлар

ёки қимматли қоғозларнинг маълум миқдори билан савдо қилинади. Савдодаги товарлар биржа товарларига ва биржада сотилиши мумкин бўлмаган товарларга бўлинади.

Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида кўрсатилишича: "Мол-мулк, хизматлар, маҳсулот" етказиб беришга доир шартномалар, интеллектуал мулк, қимматли қоғозлар, валюта маблағлари ва фуқаролар ўртасидаги муомилага чиқариладиган бошқа товарлар биржа товарлари ҳисобланади.

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, бошқа табиий ресурслар, маданият ва тарихга доир миллий бойликлар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа товарлар биржа товари бўлиши мумкин, эмас. Масалан, биржа бўлмаган товарларга қурол – яроқлар, захарли химикатлар, заргарлик буюмлари, доривор ўтлар ва бошқалар киради.

Биржада сотиладиган товарлар алоҳида талабларга жавоб бериши зарур. Улар қуйидагилардан иборат

- товарлар сифати жихатидан бир хил бўлиши зарур;
- товарлар сони ҳажми ёки оғирлиги бўйича аниқ бўлиши лозим;
- шу партияда товарларни хар қандай бошқасига алмаштириш мумкин бўлиши керак.

Биржа товарларнинг сони ва ассортименти доимо ўзгариб туради. Ҳозирги вақтга келиб биржадаги товар турлари XIX аср охиридаги 200 тадан 60-65 тага тушиб кетди. Булардан 45 тадан кўпроғи биржада доимо харакат қилади. Масалан, озиқ-овқат, тўқимачилик хом-ашё, рангли металлар киради. Тарихан биринчи яратилган биржалардан товар биржасидир. Бунда оммавий тарзда ишлаб чиқариладиган, айниқса хом-ашё ва озиқ-овқат товарлари, улгуржи обороти тўпланган бўлади. XX аср бошларида биржа товарлари ҳисобланган товарлар бугунги кунда /арбий товар биржаларида аҳамиятга молик эмас. Масалан, кўмир, фанер, қора металлар, сариқ мой, ипак ва шунга ўхшашлар. Лекин янги товарлар пайдо бўлмоқда. Булар қўрғошин, никель, мазут, бензин, дизел ёқилғиси, пропан ва бошқалар. Бизнинг биржаларда ҳозирги вақтда давлат буюртмаларидан ва республикалараро мажбуриятларини таъминлаш учун мўлжалланган ҳажмдан юқори бўлган товарларни эркин нархда сотиш учун рухсат этилган. Шу туфайли товарлар ҳажми кўп эмас, ҳозирги биржада биржа товарлари ва биржада бўлмаган товарлар хам муомилада юрибди, биржаларнинг ўзи эса универсал магазинни эслатади.

«Тошкент» биржа савдосида хаттоки аёллар зонти, қурилиш бинолари, ер томорқаси, канцелярия буюмлари, иш ҳолатлари ва бошқаларни учратиш мумкин. Республикамизда биржа бўлмаган товарлар махсус идораларнинг Мудофаа вазирлиги, Давлат мулкчилик қўмитаси,  Юстиция вазирлиги ва Ўзбекистон Вазирликлари Маҳкамасининг махсус қарорлари билан бошқарилади, тартибга солиб турилади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда етакчи биржаларимизнинг савдони ихтисослаштиришга бўлган тайёргарлик

ишлари олиб борилмоқда. Бунда классик биржа товарларига имтиёз кўпроқ берилади.

## Хулоса

Биржа фаолиятини ташкил этиш товар биржалари, фонд биржалари, амлоқ (интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотиқ қилувчи) биржалар ёрдамида амалга оширилади. Хар бирини ўзига хос вазифалари мавжуд.

Биржа фаолияти ташкилий ёки биржа аъзолари ўртасида қонунчилик бўйича қуйиладиган талабларни қупол равишда бузганда ёки биржа тўлов қобилиятини йўқотган ҳолларда: суд қарорлари асосида тўхтатилиши мумкин. Бундан ташқари хуқуқий лицензияларни бекор қилиниши биржани қайта ташкил этиш туфайли хам тўхтатилади.

Биржа аъзоларини биржага берган мулкларидан фойдаланиш ва қайтариш шакллари.

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка асосланган холда тугатиш йўл йўриқлари мавжуд.

Демак; биржани тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Биржа савдосида товар иштирок этмайди. Биржада сотиладиган товарлар алоҳида талабларга жавоб бериши зарур. Биржа товарларининг сони ва ассортименти доимо ўзгариб туради.

## Таянч иборалар

Фармон. Товар-хом-ашё биржаси. Очиқ савдо. Воситачилик хизмати. Нарх котировкаси. Ярмарка. Тендер. Консалтинг. Реклама-ахборот. Фонд биржаси. Интеллектуал мулк. Амлоқ. Инвесторлар. Жисмоний шахс. Биржани тугатиш. қайта ташкил этиш.

## Назорат ва муҳокама саволлари.

1. Товар - хом ашё биржасини фаолияти нималардан иборат?
2. Фонд биржасини ташкил этиш фаолияти қандай амалга оширилади?
3. Биржа фаолияти қайси холларда тўхтатилиши мумкин?
4. Биржалардаги товар иштироки хақида нималар биласиз?
5. Биржаларда сотиладиган товарлар қандай талабларга жавоб бериши керак?
6. Биржа бўлмаган товарларни тартибга солиниши қандай амалга оширилади?

## Фьючерсли биржалар.

### Режа.

1.Фьючерли биржа характеристикаси.
2.Функционал механизмлар.
3.Фьючерли бозор.

Факат фьючерли контрактлар асосида биржа савдосини олиб борилиши фьючерли биржа дейилади. Бундай биржалар 19 асрнинг иккинчи ярмида пайдо булди. Фьючерли биржаларнинг пайдо булиши муомала харажатларини камайтириш, сармоя айланишида нархларни нохуш айланиши олдини олиш, нокулай коньюнктура окибатида зарур буладиган захиралар сармоясини микдорини камайтириш ва пул куринишидаги сармоя куйилмаларини купайтириб олшиш имкониятларини ошириш билан боглик.

Фьючерли биржа савоси реал мавжуд товарлар биржаси куйидагилар билан фарк килади; битимларни фиктив (товарсиз) харатери, факат 1-2 % битимлар товар етказиб бериш билан яунланади, колганларида нархлар тафовути туланади халос, реал мавжуд товар бозори билан хежирлаш билангина богликлик , товар нархи ва етказиб бериш муддатидан ташкари контракт шартларини тула унификациялаганлиги , контракт сотувчи ва харидор уртасида эмас, балки хисоб палатасида руйхатдан утказилганлиги учун фьючерли битимлар товарларсиз битилиб, хом реал товар хам валюта, хом акция индекслари, хом фоиз ставкалари юзасидан булиши мумкин.

Бутун жахон фьючерли биржаларидаги операциялар хажми 20 трлн доллардан ошади. Фьючерли биржалар бахоларни аниклаш, ахборотни окилона ошириш, контракт шартларини бажара олмаслик хавфини бартараф килиш,контракт шартларини бажариш самарадорлиги, бажариш имкониятларини ошириш каби функцияларни бажаради.

Шартнома мажбуриятларини бажара олмаслик хавфидан фюьчерли биржаларни фьючерли контрактлар ва савдосини ривожланишини асосий сабаби булди.

Одатда контракт шартларини бажараолмаслик хавфини бартараф этиш бозор катнашчилари зиммасидан кучириб юклайди.

Масалан: нарх тебраниши натижасидаги хавфдан хежерлар фьючерли контрактлар воситасидан фойдаланиб чайковчилардек уз зиммаларига олиб, нарх кутарилганда фойда олиш умидида буладилар. Демак бир тараф учун нохушлик булган вазият бошка бир тараф учун чексиз имкониятлар очиши мумкин.

Нархлардаги тебранма хавф булиб, кундалик хаётда бир кимса хохлайдими йукми мавжуд. Муаммо факат ким канака бу масалага ёндашишида. Фьючерли биржа айнан шундай механизмни ишлаб чикади.

Нархларни аниклаш. Фьючерли нархлар фьючерли битимлар буйича биржа нархларидир, яъни фьючер контрактлари муддати давомидаги контракт асосидаги нарх.

Фьючерли бозор минглаб нарх баланд паслигига караб сотувчи ва харидор катнашчиларини уз ичига олади. Албатта сотувга куйилган хамма товарлар буйича нарх динамикасини курсатувчи обрули хужжатлар булади. Масала шундаки фьючер бозорини хар бир катнашчиси уз фикрини (нарх борасидаги) олтин хисобидаги накд пул билан таъминлайди Агар нархлар динамикаси хакидаги маълумотларда хабарсиз колган бозор катнашчилари уйиндан чикишса (контрактдаги товарларни сотиб юборишса), бундан зарур

маълумотларга эга бозор каинашчилари узлари учун фойда куриш максадида фойдаланадилар. Фьючерсли бозорни узга хос хусусиятларидан бири хежирлаш операцияларининг мавжудлигидир.

Хежирлаш – бу мавжуд товарлар бозоридаги нарх (таваккалчилиги) калтисликларидаги бахони тушиб кетишини олдини олиш максадида фьючерсли бозордан фойдаланишга асосланган харакатни ифодаси деб тушуниш мумкн.

Бунинг мохияти шундан иборатки, фьючерсли биржада битилган битим айни шу товар юзасидан мавжуд товар биржасида битиладиган битимнинг « дебоча - бошланиши» ёки урнини босувчи битим деб тушуниш мумкин; Масалан: Савдогар – тижоратчи биржада Нефть харид килди ва уни кайта сотиш максадида пайт пойлаб турибди, Мавжуд товарни жорий нархда зудлик билан етказиб бериш шарти билан сотишни хохламай, Харид килинган нефть юзасидан фьючерс контрактини сотади. Кейин мавжуд нефть сотилса, агар мавжуд товар бозорида нарх тушса, фьючерсали контракт сотиб олган тижоратчи шахс зарар куради, лекин фьючерсли контракт сотган шахс эса уз навбатида нархлар тофовути микдорида фойда куриши мумкин, Агар мавжуд товарлар бозорида нрах кутарилса, тескари натижа вужудга келиши мукарар. Фьючерсли контрактлар кайта –кайта сотилади ва сотиб олинади, куириниб турибдики бир бозордаги зарар, брошка бозордаги фойда билан тулдирилади ва шу тарика нархларнинг нокулай тебраниши окибатлари юмшатилади.

Хежирлашдан мавжуд товарлар бозоридаги битилажак битимлардаги нархларни аниклаш, бир маромда ушлаб туриш учун хам фойдаланилади. Масалан хом ашё истеъмолчиси Октябрь ойида керак буладиган хом ашёни октябрь ойида нарх кутарилиб кетишидан куркиб, олдиндан октябрь ойида етказиб берилиши мулжалланган фьючерсли контрактни сотиб олади,… кейин мавжуд товар сотиб олаётганда фьючерс контракти йук кининади, агар базис нарх узгармай колса, мулжалланган нарх даражаси сакланиб колинади.

Бажарилиши техникаси буйича икки хил хежирлаш мавжуд;

Киска хежирлаш – фьючерс контрактларини сотиш; Узун хежирлаш – фьючерсл контрактларни сотиб олиш.

Хар кандай хежирлаш битими икки бугиндан иборатдир; биринчи бугинда фьючерс контракти буйича позиция очилади, иккинчи бугинда тескари битим билан шу позиция (маълум товар етказиб бериш мажбурияти) ёпилади.

Классик хежирлаш контрактларида хежирлашнинг биринчи ва иккинчи бугин позициялари битта товар юзасидан булган, хам микдор, хам муддат курсаткичлари хам бир хил булиши кузда тутилар эди.

Фьючерс нархларни доимий тебраниб туриши -реал факт. Алхол бу тебранишлар бозор катнашчиларининг доимий узгариб турувчи маълумотларини тахлили натижасидаги нукати назари мухим булиб, фьючерли бозорни ушбу ахборот окимидаги сезгирлик курсаткичидир.

Контракт шартларини бажара олишлиик ва самарадорлик, Фьючерли биржалар энг самарадор ва контракт шартлари доимо бажариладиган

бозордир самарадорлик фючерли битимларни соддалиги ва тезлигидадир. Фьючерли биржа брокерлик фирмасида хисоб раками ва телефони бор киши учун жуда осон иш, у бир неча дакика ичида жорий нархларни билиб битим тузиш учун буйрук бериш ва буйрук бажарилганлиги хакидаги тасдигини олиш мумкин.

Нарх таваккалчиликлари билан боглик калтисликлар куйидаги хилларга булинадилар.

Захиралари мавжуд товарлар нархлари буйича;

Яримтайёр махсулотлар нархлари буйича;

Булажак ( Ишлаб чикарилаётган) махсулот нархлари буйича;

Катъий нарх билан сотиб олиш шартномалари;

Катъий нарх билан сотиш шартномалари;

Товар ишлаб чикарувчилар узлари учун хом ашё харид килишлари учун ( келажак харид нархлар таваккалчиоигини уз зиммасига оладилар. Бу нарх таваккалчилиги- келажак харид таваккалчилиги дейилади.

Таваккалчилик даражасини пасайтириш усули куйидаги хусусиятларга эга булмоги керак:

Осон(енгил) амалга оширилиши;

Корхона бошкарувидаги шаклланган енгилликни бузмаслиги;

Нарх таваккалчилигини, кредит таваккалчилиги билан алмаштирмаслиги;

Хаддан ташкари кимматга тушмаслиги керак.

Бозорлар хакидаги ахборот фьючерли биржани мухим функцияси, Ахборотни биржа катнашчиларини хаммаси учун бемалол олишлари имкнияти ва ошкоралиги савдони халол ракбаи шариа олиб боришга мажбур килади.Фьючерли биржа оъектив булиши барча товарлар буйича ахборотни борлишгини биржачилар уртаидаги ракобатни таъминлайди.Фьючерли биржалар савдодаги товарлар нархини белгиламайдилар, улар факат нарх белгиловчи катнашчилар савдолашуви натижасида аникланадиган нархлар учун жой масаласини хал киладилар халос.

Биржа уз функцяларини бажариш учун маълум шароитлар булишини таъминлаш керак:

операциялар амалга оширилаиган хоналарнинг жихозланганлиги;

алока ва ахборот воситалари;

тез ва самарали битим тузиш имконини берувчи тартиб ишлаб чикиш;

битимлар самарадорлигини таъминловчи клиринг тизимини жорий этиш;

амалдаги конунчиликка мос бозорнинг хамма каинашчилари томонидан бажариладиган коидалар;

самарали фьючер контрактлари.

Биржа савдо катнашчиларининг у ёки бу биржа операцияларини амалга ошириш учун мурожат этадиган жойидир. Агар биржалар ривожланиши бошида хамма операциялар биржа биносида амалга оширилган булса, хозирда дунёнинг барча илгор биржалари тасарруфида кенг кулоч ёйган

мижозлардан буюртмалар олиш хизматлари ва ягона электрон биржа савдолашув тизими бор.

## Кискача хулосалар.

Факат фьючерли контрактлар асосида биржа савдосини олиб борилиши фьючерли биржа дейилади. Бундай биржаларини пайдо булиши муомала харажатларини камайтириш, нокулай коньюнктура окибатидаги нархларни нохуш тебранишларини олдини олиш, фаолият учун зарур буладиган айланма сармоя микдорини камайтириш ва пул куринишидаги сармоя куйилмаларини купайтириб олшиш имкониятларини ошириш билан боглик.

Фьючерсли биржалар бахоларни аниклаш, ахборотни окилона ошириш, контракт шартларини бажара олмаслик хавфини бартараф килиш, контракт шартларини бажариш самарадорлиги, бажариш имкониятларини ошириш каби функцияларни бажаради.

Фьючерсли биржа савоси реал мавжуд товарлар биржаси куйидагилар билан фарк килади; битимларни фиктив (товарсиз) харатери, реал мавжуд товар бозори билан хежирлаш билангина богликлик , товар нархи ва етказиб бериш муддатидан ташкари контракт шартларини тула унификациялаганлиги , контракт сотувчи ва харидор уртасида эмас, балки хисоб палатаси билан битилиб, хисоб палатасида руйхатдан утказилганлиги учун фьючерли битимлар товарларсиз битилиб, хом реал товар хам валюта, хом акция индекслари, хом фоиз ставкалари юзасидан булиши мумкин.

Хежирлаш бу мавжуд товарлар бозоридаги нарх ( таваккалчилиги) катисликларидаги бахони тушиб кетишини олдини олиш максадида фьючерсли юозордан фойдаланишга асосланган харакатни ифодаси деб тушуниш мумкн.

Бажарилиши техникаси буйича икки хил хежирлаш мавжуд;

Киска хежирлаш - фьючерс контрактларини сотиш;
Узун хежирлаш – фьючерсл контрактларни сотиб олиш.

## Назорат саволлари:

1.Фьючерли биржа деганда нимани тушинасиз?

2.Фьючерсли биржани реал мавжуд товар биржасидан фарки нимада?

3.Фьючерли биржа функцияларини ифодаланг.

4.Фьючерли биржа хусусиятлари нималардан иборат?

## Адабиётлар:


1. Дегтярева О.И., Кандинская О.А.,”Биржевое дело” Москва., ЮНИТИ 2003г.
2. Каменева. Н.Г., “Организация биржевой деятельности” Москва. Банки и Биржи ЮНИТИ 2001г.
3. Узун В.Я. “Товарная биржа” Москва , Знание 1998 г.
4. С.Салимов «Биржа и биржевая деятельность» Ташкент. 2003 г.
5. Додобаев Ю.Т., Азизова Н., Худойбердиев А. «Биржевое дело» 2001г.

6. www.uz-realty.uz
7. www.uzex.com

## 10-Мавзу. Фонд биржалари.

**Режа**

1. Кимматли когозлар бозори.
2. Бирламчи фонд бозори.
3. Иккиламчи фонд бозори.

Хар хил турдаги кимматбахо когозларнинг пайдо булиши кимматли когозлар олди - сотдиси ушбу когозлар бозорини бошланишига олиб келди. Асосий маъно шундаки, бу боорда сотилган ва сотиб олинган когоз мулкдорик хукуки ва шу мулк баъдалидан маълум даромад олиш хукукини берар эди. Ана шу хукук когозда муассамланган булади.

Кимматбахо когозлар бу мулкий маънодаи хужат булиб, мулкдорлик хукуки ушбу хужжатсиз амалга оширилмайди ва бирор бошка кишига утиб колмайди. Кимматли когозларнинг асосий хиллари хиссадор акциядорлар жамиятлари сармоясида катнашиш хукукини берувчи ва маълум дивиденд олиш хукукини берадиган гувохнома. Акция ва облигациялар элементларини акция ва облигация эгаларига маълум аввалдан белгиланган йиллик фоиз микдорида даромад тулаш мажбурияти оладилар. Акция ва облигациялапр фонд биржалари ва биржадан ташкаридаги бозорда стилади ва сотиб олинади.

Кимматли когозларга яна товар ва пуллик хужжатлар киради. Улар узларида мужассамлашан хукукий кийматини амалга оширишлари мумкин. Бундан ташкари Чеклар, Векселлар, Депозит сертификатлар, облигация купонлари коносаментлар, омбор гувохномалари ,варрантлар ва бошкалар киради

Кимматли коголар икки хилга булинади:

-бирламчи, яъни кимматли когозлар эмиссияси вактида пайдо булган бозор ;

-иккиламчи, яъни когозлар кайта сотиладиган бозор.

Эмитент-кимматли когоз ёки пулларни эмиссия килувчи субъеки. Гулбелгиларини эмитенти факат давлат булии мумкин. Кимматли когозлар эмитенти сифатида давлат, акционер жамиятлар, банклар ва айнан ундай хукукий хукукка эга бошка шахслар булишлари мумкин.

Кимматли когизлар иккиламчи бозори биржада ва биржадан ташкарида булии мумкин. Биржаан ташкарида олди-сти операциялари бирор бир сааб туфайли биржадан ташкарида олди сотди операциялари бирор бир сабаб туфайли биржада котировка килинмаётган когозлар харакатда буладилар (масалан банклар оркали).

Авваллари кимматлт когозлар билан биржа операциялари товар биржаларида олиб борилар эди. Биринчи фонд биржалари XVIII асрда Буюк

Британияда, АКШ, Германияда пайдо булдилар. XIX аср XX асрга келиб фонд биржалари миллий хужалик хаётини мухим марказларига айландилар.

Биржа хукукий нуктаи назардан завод ёки магазин ёки банк каби корхона булиб у хусусий ёки давлат тасарруфида булиши мумкин. Франция, Италия, Испания, Бельгия, Люксембург каби давлатларда фонд биржалари давлат мулки булиб, яъни давлат ташкилотлари ташаббуси билан олиб борилади ва тартибга солинади. АКШ, Буюк Британия, Германия, Япония каби мамлакатларда асосан акциядорлар жамиятлари куринишидаги хусусий биржалар фаолият курсатадилар. Кизиги шундаки шу биржаларнинг акциялари купинча институтцион инвесторларга - банк ва хар хил фондлар каби компаниялар-давлат ташкилотларига тегишли булади.

Фонд биржалари фонд бозорлари хисобланади. Бирламчи фонд бозорида акциядорлар жамиятлари, хукумат муниципиал ташкилотлари томонидан чикарилган янги кимматли когозлар жойлаштирилади.

Фондли кийматни хамма олади: якка тартибдаги инвесторлар, молия-кредит институтлари, перция фондлари, давлат муассасалари ва корпорацилари, сугурта компаниялари, инвестиция килувчи фондлар ва кимматли когозларни жойлаштириш билан (хукумат облигацияларидан ташкари) одатда эмиссия синдикатларини барпо килувчи инвестицион банклар шугулланадилар. Синдикат катнашчиси узи ажратилган хажм-микдор доирасида чикариладиган кимматли когозларни мижозлар орасида аввалдан обуна килиш йули билан таркатадилар.

Инвестицион банк янги чикарилган кимматли когозларни жойлаштиришда сармоя ресурсларини мобилизация килишни истовчилар акциядорлар жамияти ва инвесторлар урталарида воситачи вазифасини бажарадилар. Инвестиция банки рахбарияти жамият рахбарияти хамкорлигида мобилизация килиниҳи зарур булган пул микдорини муомилага чикарилиши мулжалланган кимматли когоз хилини, уларни чикариш ва жойлаштириш усулларини аниклаб олидилар.

Купгина холларда инвестиция банклари янги чикарилган кимматли когозларни хаммасини сотиб олиб, кейинчалик узлари кайта сотадилар. Бундай холларда акциянер жамият ва инвестиция банклари уртасида эмиссия битими имзоланади. Бу битимга мувофик ёки харидор ёки кимматли когозни сотувчи агент булиши мумкин. Агар харидор сифатида харакат килса акциядор жамият эмитентга кимматли когоз сотувидан тушган хамма пулни бериш кафолатини банк уз зиммасига олиши керак. Бошкача килиб айтганда банк сотилмай колган хар кандай когоз учун масулиятни уз зиммасига олади.

Инвестиция банки агент сифатида, у бошкача харакат килиши мумкин. Эмиссия битимига мувофик уз зиммасига мумкин кадар куп янги чикарилган когозлар сотиш мажбуриятини олсада, хеч кандай молиявий жавобгврликни уз зиммаларига олмасликлари хам мумкин. Янги чикарилган акциялар сотишни битимда курсатиб утилган маълум (бир неча кун ёки хафта) муддат ичида амалга оширилади. Хуллас банк янги чикарилган когозларни сотишни резерв канали вазифасини бажариш мажбуриятини олиши мумкин. Бундай холларда акциядор жамият эмитент янги чикармани узи жойлаштиради,

лекин банк билан келишувга мувофик бу ишга жалб килиш мумкин. Хамма эмиссия битимларида одатда бозордан чикиш коидалари кузда тутилади. Унда битим нохушликлар окибатида бекор килиниши, фонд бозорида ахвол кескин ёмонлашуви, корхона молиявий ахволини ёмонлашуви, хукумат томонидан эмитент ёки инвестиция банкини харакатини чекловчи конунлар кабул килинишини кузда тутилади.

Битта инвестиция банкига янги чикарилган акциялар микдори хаддан ташкари куплик килган холларда, банк бошка инвестиция банклари билан эмиссия синдикатлари тузиши мумкин. Бундай синдикатлар икки хил принципда харакат килишлари мумкин. Биринчиси (куп таркалган) алохида хисоб принципи, бунда синдикат аъзолари сотган кисми ва хиссалари доирасидагина масъулдирлар. Масалан янги чикарилган 100 млн сум акцияни 20 % сотиш учин битим имзоланган булса фирма факат 20 млн сумлик микдордиаги акциялар учунгина жавобгар, шунинг учун 20 млн сумдан ташкари акциялардан келадиган даромаддан хеч канча хиссоа ололмайди.

Иккинчи принципда синдикат аъзоси хам узини хиссаси, хам ушбу сндикатнинг бошка аъзолари хисалари учун маъсулиятни уз зиммасига олади.

